Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 123 (20. 390) • 1989 йил 26 май, жума • Баҳоси 3 тийин.

СССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ГРУППАЛАРИ ВАКИЛЛАРИНИНГ ЙИҒИЛИШИ

24 май куни Кремлда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. С. Горбачев раислигида СССР халқ депутатлари группалари вакилларининг йиғилиши бўлди. СССР халқ депутатларининг мазкур ишчи органи СССР халқ депутатларининг съездида ҳал этиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш учун тузилган. Съездга тайёргарлик даврида иттифоқдош республикаларда, тегишли республикаларда яшайдиган ва ишлайдиган депутатларнинг кенгашларида шу йиғилиш составига вакиллар кўрсатилган эди.

Йиғилишда съезднинг кун тартиби ва иш тартиби масалалари, съездда сайланадиган ёки тасдиқланадиган СССР Олий Советининг состави тўғрисидаги, олий мансабдор шахсларнинг номзодлари тўғрисидаги таклифлар, СССР халқ депутатлари съездини ўтказишни уюштириш билан боғлиқ бўлган бошқа масалалар кўриб чиқилди.

(ТАСС).

ИСТИҚБОЛ ЙЎЛЛАРИ

МОСКВАДА СССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СЪЕЗДИ ОЧИЛДИ

МОСКВА. 25 майда Кремлнинг Съездлар саройида СССР халқ депутатлари съезди ўз ишини бошлади. Суратда: съезднинг биринчи мажлиси пайти.

ТАСС — ЎзТАГ телефотоси.

25 май куни соат 10 да Кремлдаги Съездлар саройида СССР халқ депутатлари съезди иш бошлади.

Марказий сайлов комиссиясининг раиси **В. П. Орлов** съездни очар экан, депутатларни мамлакатимиз давлат ҳокимиятининг олий органига сайланишлари, совет халқи уларга катта ишонч билдирганлиги билан марказий сайлов комиссияси номидан самимий қутлади, Сайлов ва унга тайёргарлик, деб таъкидлади нотиқ, ҳозиргача мисли кўрилмаган ошкоралик ва очиқ-ойдинлик шароитида, меҳнаткашларнинг сиёсий активлиги жўш уриб турган бир вақтда ўтди. Буни 26 март якшанба куни алоҳида куч билан тасдиқлади, шу куни 172 миллиондан кўпроқ совет кишилари, рўйхатларга киритилган барча сайловчиларнинг қариб 90 проценти ижтимоий фикрнинг барча қирраларини ифода этиб, қайта қуришни қўллаб-қувватлаш учун сайлов участкаларига келдилар.

Сайлов қайта қуриш умумхалқ иши бўлиб қолганлигини кўрсатди. Совет кишилари қайта қуришни янада чуқурлаштиришни, ҳаётнинг барча соҳаларида янгилик сари ўзгаришлар тезроқ бўлишини маъқулладилар. Сайлов янгичалиги, оммани манфаатдорлиги, юксаклиги, жонкуярлиги билан қайта қуриш қиёфасини тўлдирди ва бойитди. Сайлов демократиянинг тараққиётида принципиал аҳамиятга молик қадам бўлди, у жамиятимизни партия XXVII съезди ва XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси белгилаб берган йўлдан олға силжитди.

Сайлов халқ Ленин партияси тимсолида совет жамиятини жипслаштиришга, уни бирлаштиришга етилган муаммоларни ҳал этиш ва қийинчиликларни бартараф қилишнинг самарали йўлларини топишга қодир бўлган кучни кўраётганини тасдиқлади.

Коммунистик партия, унинг янгиланиш йўли фойдасига бу қадар қудратли умумхалқ референдуми илгари бизда сира бўлмаган эди. Бугун шуни айтиш мумкинки, бўлиб ўтган сайлов сиёсий система ислоҳотини амалга ошириш, халқ ҳокимиятини қарор топтиришга қўшилган йирик ҳисса бўлди. Сайлов совет демократиясини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарди ва бу сайлов социалистик давлатимиз тарихига бутун ижтимоий ҳаёт тараққиётининг энг муҳим довонларидан бири бўлиб киради.

Сайлов кампанияси давомида совет халқи ноёб сиёсий тажриба орттирди. Миллионлаб сайловчилар ўз овози мамлакат ижтимоий-сиёсий тараққиётидаги салмоқли давлат вазифаларини ҳал этишда катта аҳамиятга эга бўлишини эндигина чинакамига ҳис қилдилар.

Бу галги сайлов кампанияси бир текис манзарани кўрсатгани йўқ, у жамиятимизда мавжуд бўлган позициялар, нуқтаи назарлар, фикрларнинг бутун хилма-хиллигини акс эттирди. У ўзига хос синов майдони бўлдики, бу майдонда СССР Конституциясининг янги қоидалари биринчи бор ҳаракатга келтирилди, сайлов тўғрисидаги принципиал янги қонун синаб кўрилди. Умуман бу қонун сайловни чинакам демократик асосда ўтказиш, сайлов соҳасида янги тажриба орттириш имконини берди.

Шу билан бирга, меҳнат коллективларидаги сайловолди йиғилишларида, оммавий ахборот воситаларида қонунда белгиланган айрим нормалар ва тартиб-қоидаларга тузатиш киритиш зарурлиги тўғрисидаги истаклар билдирилди. Бу истакларнинг ҳаммаси диққатга сазовор бўлиб, уларни таҳлил этиш лозим. Марказий сайлов комиссияси номига шу масалалар юзасидан келган ҳамма таклифларни комиссия СССР Олий Советига топширади.

Нотиқ сайланган 2249 СССР халқ депутатидан съездда 2155 халқ депутати ўзини ўзини маълум қилди. Сайловнинг натижалари тўғрисидаги, депутатларнинг составидаги ҳақидаги батафсил маълумотларни съезд сайлайдиган мандат комиссияси маълум қилади ва марказий сайлов комиссияси депутатларнинг ваколатларини текшириш учун зарур бўлган ҳамма ҳужжатларни шу комиссияга топширади, деди у.

Бу залда, деди сўзини давом эттириб нотиқ, ҳозир ишчилар, колхозчилар, ишлаб чиқариш командирлари, олимлар, маданият арбоблари, ҳарбий хизматчилар, турли касб ва турли авлодларга мансуб кишилар ўтиришибди. Депутатларнинг составида мамлакатимизнинг кўпмиллатли характерини акс эттиради. Улар орасида 65 миллат ва элатнинг намояндалари бор. Ҳозирги депутатлар корпуси умумдавлат аҳамиятига молик бўлган вазифаларни ҳал этиши лозим. Бу вазифаларни Конституциямиз аввало халқ депутатлари съезди зиммасига юклаган давлат ҳокимиятининг олий органи бўлган съезд СССР ихтиёридаги ҳар қандай масалани кўриб чиқиш ҳуқуқига эгадир, у Олий Совет, бошқа ҳамма давлат органлари фаолиятининг бош йўлини белгилаб беради.

Ҳозир барча меҳнаткашларнинг диққат-эътибори ва фикри-зикри СССР халқ депутатлари съездига қаратилган. Ундан умид катта. Аввало, қайта қуришни янада давом эттириш билан боғлиқ бўлган ва одамларни тўлқинлантираётган саволларга жавоб берилиши лозим. Сайловчилар депутатларга депутатлик мандатлари билан бирга, энг яхши турмушга, гуллаб-яшнаб борадиган ва қудратли Совет социалистик давлатига бўлган ўз ишончларини ҳам топширганлар.

Халқ депутатлари съезди халқнинг орзу-умидларини оқлайди, ҳар бир депутат жамиятимизнинг социал-иқтисодий ва маънавий тараққиётининг янги босқичларига эришишга қаратилган биргаликдаги куч-ғайратларга ўз тажрибаси, ақл-заковати ва меҳнати билан ҳисса қўшади, деб ишонч билдирди нотиқ.

СССР Конституциясининг 110-моддасига мувофиқ, В. П. Орлов Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи халқ депутатлари съездининг биринчи мажлисини очиқ деб эълон қилди.

СССР халқ депутатлари съезд президиумини 18 кишидан иборат қилиб сайлайдилар. Съезд Президиумига СССР Олий Совети Президиумининг Раиси, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат А. И. Лукьянов, Марказий сайлов комиссиясининг раиси В. П. Орлов ва ҳар бир иттифоқдош республикадан биттадан вакил сайландилар.

Съездда раислик қилиш СССР халқ депутати **М. С. Горбачев**га топширилади. Билдирилган ишонч учун съезд президиуми номидан сизларга миннатдорчилик изҳор этишга ижозат бергайсизлар, дейди у. Кемамизни эзгу мақсад сари муваффақиятли бошқариб бориш учун тўла ҳамкорликда ишлашга ҳаракат қиламиз. Биз съезднинг кун тартиби ва иш тартибини тасдиқлашимиз лозим. СССР халқ депутатларига, съездга шуни маълум қилмоқчиманки, кеча делегацияларнинг вакиллари — 446 киши тўққиз соат мобайнида мажлис ўтказишди. Таклифлар тайёрлаш учун бу масалаларни жуда синчиклаб муҳокама қилдик.

Съезднинг тасдиқлаши учун қуйидаги масалаларни ўз ичига оладиган съезднинг кун тартиби ва иш тартиби таклиф этилади:

1. Съезднинг мандат комиссиясини сайлаш.
2. СССР Олий Совети Раисини сайлаш.
3. СССР Олий Советини сайлаш.
4. СССР Олий Совети Раисининг биринчи ўринбосарини сайлаш.
5. СССР ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисида. Докладчи — СССР Олий Советининг Раиси.
6. СССР ҳукуматининг келгусидаги фаолият программаси. Докладчи — СССР Министрлар Советининг Раиси.
7. СССР Министрлар Совети Раисини тасдиқлаш.
8. СССР Конституцион назорат комитетини сайлаш.
9. СССР Халқ контроли комитетининг раисини, СССР Олий Судининг Раисини, СССР Бош прокурорини, СССР Бош давлат арбитрини тасдиқлаш.
10. Бошқа масалалар.

Съезднинг кун тартиби ва иш тартибини муҳокама қилиш чоғида депутатлардан **Н. А. Назарбаев, А. Д. Сахаров, Г. Х. Попов, Е. Н. Мешалкин, Р. К. Шчедрин, В. Н. Беляев, А. Г. Костенюк, Ю. Ю. Болдирев** сўзга чиқдилар.

Масалаларни кўриб чиқиш тартибини ўзгартириш тўғрисида таклифлар киритилди, жумладан аввалига докладларни тинглаб, уларни муҳокама қилиш, сўнгра эса СССР Олий Совети Раиси билан СССР Олий Советини сайлаш таклиф этилди. Иккинчи томондан, бир қанча нотиқлар съезднинг кун тартиби ва иш тартиби делегациялар вакилларининг кеча бўлиб ўтган кенгашида қай ҳолда таклиф этилган бўлса, худди шу ҳолда асосли эканлигини таъкидладилар.

Депутатлар очиқ овоз бериш натижаларини ҳисоблаб чиқиш тартибини ва овозларни санайдиган группани тасдиқлайдилар.

Овозга қўйиш натижасида съездга таклиф этилган съезднинг кун тартиби ва иш тартиби овозларнинг гоят кўпчилиги билан қабул қилинади (379 депутат қарши овоз берди ва 9 депутат бетараф қолди).

Депутатлар съезд мажлисининг вақт регламентини кўриб чиқишга ўтадилар. Ушбу масала юзасидан **К. А. Антанавичюс, В. В. Ландсбергис, А. В. Левашев, А. А. Плотникс, С. Б. Станкевич, Ю. Р. Боярс, А. Е. Себенцов, Г. М. Курочка, А. М. Адамович, А. Н. Саунин, К. Д. Лубенченко, А. Д. Сахаров, В. И. Ревнивцев, Б. В. Гидаспов, А. П. Айдак** сўзга чиқдилар.

Мунозарадан кейин вақт регламенти тасдиқланади, бунда 17 киши бетараф қолди.

Съезд СССР халқ депутатларининг ваколатларини текшириш учун мандат комиссиясини сайлади.

Биринчи мажлисда депутатлар Тбилисида ҳалок бўлганларнинг хотирасини ўринларидан туриб ҳурмат билан эсга олдилар.

Депутат **В. Ф. Толпежников** депутатлик сўрови билан чиқди. У ўз сайловчиларининг топшириғига биноан Тбилисида 9 апрель куни тинч намойишчиларни калтаклаш ва уларга қарши заҳарли моддалар ишлатиш тўғрисида буйруқ берган кишиларнинг номларини съездга билдиришни талаб қилди.

Съезднинг биринчи мажлиси ўз ишини тамомлади.

(ТАСС).

ШОИР, КУРАШЧИ, ГРАЖДАНИН

Москвада Ҳамза туғилган куннинг 100 йиллигига бағишланган тантанали кеча

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг номи Октябрдан кейинги революцион ўзгартишлар даври билан боғланган. Ўзбек совет адабиётининг асосчиси, толмас маърифатпарвар, ташвиқотчи, халқнинг оташин курашчиси бўлган Ҳамза кўпмиллатли совет маданиятини қарор топтириш ва ривожлантиришга катта ҳисса қўшди. Ажойиб сўз санъаткори таваллудининг 100 йиллигига бағишланган тантанали кечада ана шу ҳақда гапирилди. Тантанали кеча 24 май куни Москвада, Союзлар уйининг колонна залида бўлиб ўтди.

Бу ерга пойтахт жамоатчилиги, меҳнат коллективларининг вакиллари, Москвада ўқиётган ўзбекистонлик студентлар, кўпгина иттифоқдош республикаларнинг адиблари тўпландилар.

СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари В. В. Карпов кечани оча туриб, шундай деди:

— Ҳар бир халқнинг тақдирида тарихнинг бурилиш босқичларида ҳамиша буюк шахслар пайдо бўлиб, уларнинг ижодида даврнинг орзу-умидлари ўз ифодасини топди. Ўзбек халқининг энг истеъдодли фарзандларидан бири — Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг номи ҳам революцион ўзгартишлар даври билан боғланган. Унинг қўшиқлари ва шеърлари ўз вақтида бутун Ўрта Осиё халқларини курашга илҳомлантирди.

Ҳамза бор-йўғи 40 йил умр кўрди. Тақдир тақозоси билан у баҳорда дунёга келди ва баҳорда ҳаётдан кетди, бундан олтмиш йил муқаддам уни дин мутаассиблари ўлдирдилар. Аммо революциянинг оташин курашчиси халқ хотирасида абадий қолди. У ўзбек профессионал театри, музикасини яратишга бебаҳо ҳисса қўшди. Унинг ёрқин ҳаёти ва фаолияти тасвирий санъатда, кинода ўз ифодасини топди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов Ҳамза тўғрисида сўз юритди.

Ўзбек халқининг ажойиб фарзанди, гражданин адиб туғилган куннинг 100 йиллигини айни ҳозир, мамлакат учун бурилиш даври бўлган, мамлакатда қайта қуриш амалга оширилаётган йилларда нишонлаётганлигимиз диққатга сазовордир, деди у. Октябрь революцияси сингари инсоният тарихидаги улуғвор социал ўзгартишлар даврининг жамиятни янгилаш ва социализм моҳиятининг ўзини ривожлантириш даври билан ўхшашлиги бизга Ҳамза шахсиятини янада яқинлаштириб, унинг асарларини янада қалбга яқин ва долзарб қилади.

Ҳамза революциянинг оташин курашчиси эди, унинг ижодидаги кўпгина саҳифалар варақалар сингари давр шамоли билан ҳар томонга тарқалди, унинг ўзи эса қалб саҳоватидан ҳаммани баҳраманд этди. Бугунги кунда ўзбек совет адабиётининг асосчиси мерос қолдирган, нашр этилаётган ёки республика, мамлакат ва чет эл саҳналарида қўйилаётган барча асарлар (ўнлаб пьесалар, романлар, қиссалар, шеърлар китоблари), у ўзбек саҳнаси ва музика маданиятининг ислоҳотчиси, дастлабки миллий операларнинг муаллифи, биринчи режиссёр ва журналист, педагог ва жамоат арбоби сифатида амалга оширишга улуғра олган барча нарсалар ҳамон қалбларни тўлқинлантирмоқда.

Шоирнинг ана шу мероси ва гражданлик позицияси шундайки, биз ҳозир ҳам республика турмушидаги воқеаларга баҳо бераётган пайтимизда, бугунги кун ҳақиқатини излаётганимизда унга мурожаат қиламиз.

Қайта қуриш йўлида дадил қадамлар қўйилди. Ғоят қийин ишни уддалашга: жамиятни турғунликдан ҳаракатга келтиришга, ақидабозликдан реализм сари қадам ташлашга, тараққиётимиз муаммоларига ленинча ижодий назар ташлашни қайта тиклашга муваффақ бўлдик.

Ҳамзанинг фавқулодда истеъдодини нимада кўриш мумкин? Энг аввало у шахс, шоир ва мутафаккир, маданият кўпгина соҳаларининг ислоҳотчиси ва жамоат арбоби, халқ меҳр-муҳаббатини қозонган шахс сифатида у амалга оширилган инқилоб, унинг ўзгартирувчи кучининг моҳияти, жон-тани билан унинг фаол амалга оширувчиси, регионимиз учун ҳам тақдирнинг социалистик бурилиши ҳаётий зарурлигининг ишончли тасдиғидир.

Шунинг учун ҳам Ҳамза тўғрисидаги қиқоя — Совет шарқи меҳнаткашларининг, улар озодлик учун, ўз келажаги учун олиб борган курашнинг Ленин партияси раҳбарлигида ва рус ишчиларининг етакчилигида амалга оширилган инқилобдан бошқа мақсади бўлмаганлигининг ёрқин далилидир.

Сўнгра Р. Н. Нишонов революция ғалаба қозонгандан кейин сал вақт ўтгач, Фарғона водийси, бутун Туркистон бўйлаб шўролар тўғрисида қўшиқ янграй бошлаганлигини эслатиб ўтди. Унинг ғоят ихчам, одатдан ташқари янгича оҳангдаги ва жўшқин «Яша, Шўро!» шеъри янги давр алифбоси ва даъвати бўлиб янгради.

Яша, Шўро, яша, Шўро!
Сен яшайдирган замон.
Ишчи ўғли, шуҳратингдан
Балқисин рўйи жаҳон!

Ўша пайтда «Ҳой ишчилар!» қўшиғи гими сингари бутун ўлка бўйлаб янгради.

Шоир Улуғ Октябрдан кейин орадан бироз вақт ўтгач, ўзининг драматик асарлари: «Жаҳон капиталининг сўнгги кунлари» ва «Бой ила хизматчи» пьесаларини ёзди.

«Бой ила хизматчи» драмасида Октябрдан олдинги воқеа тасвирланади. Бироқ унинг одамларга инқилобий таъсирини ҳеч нарса билан таққослаб бўлмайди, чунки пьеса қаҳрамонлари ўз тақдири, ўз характерига эга бўлган ҳаётдан олинган жонли кишилардир. Пьесанинг ҳар сафар саҳнага қўйилиши асардаги умуминсоний ахлоқ нормаларининг қанчалик кучга эга эканлигини тобора тўлароқ намоён этади. Тошкентдаги Ҳамза номли театр ўзининг яни мавсумини ҳар гал ана шу спектакль билан бошлайди. Пьесанинг номи бир мунча эскича кўринса-да, лекин асар ҳозир ҳам ўзининг долзарблигини сақлаб қолмоқда ва уни томошабинлар зўр қизиқиш билан кўрмоқда.

Адолатни ўткир ҳис этиш, меҳнаткаш халқнинг туб манфаатларини англаш ва миллий маҳдудликдан маънавий холислик Ҳамзанинг ҳаётий мақсадини аниқлаб берди, уни ўлкада социал революция ғояларини ва амалий ҳаракатларини бажонидил маъқуллашга сабаб бўлди. Шунинг учун Совет ҳокимиятининг дастлабки тадбирларидаёқ шоирда чинакам сиёсий ҳайрихоҳлик уйғотди ва ўз халқи келажаги учун курашда унинг ўрнини белгилаб берди. Шарқ шеъриятининг ёрқин давомчиси, рус адабиёти билимдони, қудратли истеъдод ва қомусий билим соҳиби бўлган Ҳамза Коммунистик партия сафига ўтиб, табиий қарорга келди.

Халқлар дўстлигини мустаҳкамлаш ва кенг меҳнаткашлар оммасини маърифатли қилишда социализм эришган ғалабалар ҳаммага маълум ва равшандир. Аммо ошкораликнинг ёрқин нурлари жамият маънавий тараққиётининг ана шу ғоят муҳим жиҳатлари муаммосизлиги хусусидаги хомхаёлларни чиппакка чиқарди. Турғунлик даври интернационал тарбия ишига, миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришга оид реал ишларга, миллий-маданий эҳтиёжларни қондиришга сезиларли зарар етказди. Бу даврда ана шу ишлар ўрнини сафсатабозлик ва тантанабозлик эгаллади.

Ҳозир биз бу ишни конкрет изга ўтказяпмиз, масалан она тили бўлган ўзбек тилини, шунингдек миллатлараро муомаланинг энг муҳим воситаси бўлган рус тилини ўрганишни тубдан яхшилаш билан боғлиқ муаммоларни реал асосда ҳал этяпмиз. Бу борада ҳам Ҳамза бизга маслакдошдир. У она тилидаги таълим ва миллий маданиятни ривожлантириш учун ғоят кўп иш қилди. Айни пайтда у ёзганидек, «равнақимиз учун зарур бўлган...» рус тилини ҳеч ким у сингари жўшқин тарғиб қилмади.

Ўлкамизнинг ҳозирги муаммолари Ҳамза даврида-гидан бошқачадир. Халқ турмушнинг ҳақиқий хўжайини бўлишига, фаровонлик, маданият ва маорифнинг юксак даражасига эришиш илгаригидек энг муҳим вазифа бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон қайта қуришга фаол киришиб, муҳим ва мураккаб вазифаларни ҳал этмоқда. Яқин тўғрисида бу ерда салбий ҳолатлар рўй берганлиги биз ҳал этадиган вазифаларни янада қийинлаштиради. Аммо биз республикамизда суиистеъмолчиларга, ўғриликларга ва порахўрликка қарши ошкора кураш бошланганлиги, қайта қуриш йўли турғунлик даври тўсиқларидан батамом тозаланаётганлиги учун ҳам муайян даражада муваффақиятга эришяпмиз. Бу борада КПСС Марказий Комитети катта ёрдам берди. Биз ўз қийинчиликларимиз тўғрисида ошкора гапиришдан тортинмаймиз.

Жамоатчилик воқеаларга бой мана шу кунларда Москвада ўзбек шоирининг юбилейини ўтказаётганлигини мамлакатларимиз халқларининг миллий маданиятларига зўр ҳурмат ва Ўзбекистонга кўрсатилган шараф деб биламиз, бунинг учун биз ғоят миннатдормиз, деди пировардида Р. Н. Нишонов.

(Давоми иккинчи бетда).

ШОИР, КУРАШЧИ, ГРАЖДАНИН

СССР Союзлар уйининг Колонна залида тантанали йиғилиш.

Ф. Қурбонбоев ва С. Величкин сурати. ТАСС—ЎзТАГ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Кечада кўпмиллатли совет адабиётининг намояндалари Ҳамза ижодининг мислсиз аҳамияти, унинг қардош халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга қаратилган фидокорона фаолияти тўғрисида гапирдилар.

— Биз Қирғизистонда Ҳамзани ўз шоиримиз деб биламиз, — деди Ленин мукофоти лауреати Чингиз Айтматов. — Ҳамза — қирғизлар ва ўзбекларнинг фарзанди. Биз буни яхши биламиз ва унинг ёрқин хотирасини ҳурмат билан эсга оламиз.

Шоира Римма Казакова Москвада яшайди, аммо унинг ижоди Ўзбекистон билан боғланган. Шунинг учун унинг Ҳамза тўғрисидаги жўшқин нутқи шоирга ва уни вояга етказган заминга меҳр-муҳаббат билан йўғрилди. Ў гўё Ҳамза ижодини давом эттириб, жоҳиллар томонидан ваҳшиёна ўлдирилган дастлабки ўзбек актёрларидан бири Нурхонга бағишланган ўз шеърини ўқиб берди.

Тожикистон Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари Мўмин Қаноат минбарга чиқади.

— Янги дунёни ва инқилобни эзлон қилган биринчи шоир бўлиш сингари янги ер очган кашшоф бўлиш ҳам қийиндир. Биз мана шу юксак принципларни эзлон қилган Ҳамзага қанчалик қийин бўлганлигини биламиз. Ў ўз йўлининг бошидаёқ Ўрта Осиёнинг барча халқларини илҳомлантирган дастлабки революцион қўшиқларини яратди.

«Современная драматургия» журналининг бош редактори Николай Мирошниченко Ҳамзани ўзбек совет театрининг асосчиси деб таърифлади. Ҳамза қисқа вақт ичида 60 дан ортиқ драма, комедия ва бошқа саҳна асарлари ёзди, деди нотиқ. Унинг кўпгина асарлари миллий классик асарларга айланди, мамлакат ва жаҳон театрлари саҳналарида қўйилмоқда ва ҳозирги кунда ҳам долзарблигини сақламоқда. Бултур Олмаотада ўтказилган Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон театр санъатининг биринчи фестивалида Ўзбекистондаги «Ёш гвардия» театрининг Ҳамза пьесаси асосида саҳнага қўйилган «Майсаранинг иши» спектакли ғолиб деб топилди. Шу йилнинг баҳорида Фрунзеда ўтказилган фестивалда эса қардош республикаларнинг «Наврўз-89» деб аталган театр байрами ана шу спектакль билан бошланди.

Озарбайжон Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари Анор ўз нутқида Бокуда ленинчи революционерлар Нариман Нариманов билан Сергей Миронович Кировга ўрнатилган ҳайкаллар орасидаги кенг кўча Ҳамза номи билан аталишини эслатиб ўтди. Бу ҳам, Ҳамзанинг 100 йиллиги СССР халқ депутатлари съезди арафасида нишонланаётганлиги ҳам чуқур рамзий маънога эга. Чунки бу съезд Ҳамзани яшашга ва жасоратга илҳомлантирган идеалларни тасдиқлашга баъзи жиҳатларда эса дастлабки мусаффо ленинча софликни қайта тиклашга даъват этилган.

Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари Одил Ёқубов кечани ташкил этганликлари учун йиғилиш аҳлига самимий миннатдорчилик билдирди.

Кечада КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари В. А. Медведев, Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А.-Р. Х. Везиров, Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари К. М. Маҳкамов, СССР маданият министри В. Г. Захаров, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлар М. И. Иброҳимов, Ғ. Ҳ. Қодиров, В. И. Огарок, К. С. Саликов, Х. А. Алимова, Б. Ф. Сатин, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари А. Р. Отажонов, С. У. Султонова ҳозир бўлдилар.

* * *

Кеча охирида Ўзбекистон санъат усталарининг катта концерти бўлди. Концерт Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист М. Абдуқундузов ўқиб берган Ҳамзага бағишлов билан бошланди. Ажойиб шоир ва бастакор асарларини республика халқ артисти Н. Ҳошимов, республика халқ артисти М. Аҳмедова ва Т. Абдуваҳидов ижро этдилар. «Ялла» ансамбли Ҳамза шеъри билан айтиладиган музикали композицияни намойиш қилди. А. Навоий номли Ўзбекистон ССР Катта театрининг солисти Ш. Тўхтабоева ижросида «Ҳамза» операсидан Санобар арияси янгради.

Зўр муваффақият билан ўтган концертда республика халқ артисти Шерали Жўраев, «Ўзбекистон солистлари», «Баҳор» ва «Лазги» ансамбллари, бошқа коллективлар ва ижрочилар қатнашдилар.

Э. ТУХВАТУЛЛИНА,
И. ВЕКСЛЕР,
ЎзТАГ махсус мухбирлари.

Москва.



Самарқанд районидаги «Самарқанд» агросаноат комбинатида «Промэнерго» хизмати йўлга қўйилди. Хизмат ходимлари район хўжаликларидаги ҳосилни қайта ишлаш корхоналари электр тармоқлари фаолиятини назорат қиладилар. Беш кишидан иборат бригада аъзолари автомат воситаларини ўрнатадилар, электр моторларнинг созлигини таъминлайдилар.

Суратда: ишлаб чиқариш ветерани Облоқул Раҳмонқулов. У двигателлар ремонти ташкилотчиларидан бири. Бундай хизмат техниканинг бекор туришини камайтириб, мотор ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширмоқда.

Р. ҒОФУРОВ сурати (ЎзТАГ).

Товарлар ва хизматлар билан таъминлашни такомиллаштирайлик

24 май куни Ўзбекистон ССР Министрлар Советида бўлиб ўтган кенгашда товарлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, савдо ва маиший хизматни яхшилаш, кооператив ҳаракатини ривожлантириш муаммолари кўриб чиқилди. Кенгашда Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети Раисининг область ижроия комитетлари ва Тошкент шаҳар ижроия комитети раисларининг ўринбосарлари, министрликлар ва идораларнинг, корхоналар ва бирлашмаларнинг раҳбарлари, кооперативларнинг вакиллари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳамда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети аппаратининг масъул ходимлари иштирок этдилар. Республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари П. М. Абдураҳмонов доклад қилди.

Бозорларни товарлар билан тўлдириш ва хизматларни кўпайтириш масалалари айниқса ўткир тус олаётганлиги қайд этиб ўтилди. «Б» группаси тармоқларида асосий фондларнинг етишмаслиги ва уларнинг эскириб қолганлиги, савдо ва маиший хизмат яхши таъминланмаганлиги ҳамда бу соҳадаги ташкилий нуқсонлар аҳолининг даромадлари билан уларни товарлар билан таъминлаш ўртасидаги тафовутни ошириб юбормоқда. Ўзбекистон товарлар ишлаб чиқариш умумий ҳажми жиҳатидан иттифоқдош республикалар ўртасида 4-ўринни, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 14-ўринни эгаллайди. Ҳар йили республикага ноозиқ-овқат маҳсулотларининг 45 процента ва озиқ-овқат маҳсулотларининг 15 проценти бошқа жойлардан келтирмоқда (меҳнат ресурслари ошиб-тошиб ётган бир пайтда шундай бўлмоқда). Ваҳолонки, кўпгина буюмларни жойларнинг ўзида ишлаб чиқаришни ташкил этиш мумкин ва лозим.

Республикада 1995 йилга қадар енгил саноат, маҳаллий, мебель, озиқ-овқат саноатининг кўпгина корхоналарини барпо этиш, техника билан қайта қуроллантириш ва реконструкциялаш кўзда тутилмоқда, шу муносабат билан ана шу объектлар илдам суръатлар билан фойдаланишга топширилишини таъминлаш борасида туб бурилишга эришиш зарур.

Енгил саноат министрлиги, Маҳаллий саноат министрлиги, Савдо министрлиги, Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлигининг, Ўзбекбирлашувнинг, иттифоққа бўйсунувчи корхоналар, бирлашмаларнинг ишини ҳам тубдан қайта қуриш, уларни мавжуд резервлар ва хом ашё ресурсларини қидириб топишга йўналтириш, товар обороти планининг таъминлашни, бозорнинг юқори сифатли товарлар билан тўлдирилиши учун улгуржи савдо бўғинининг масъулиятини ошириш керак. Маҳаллий Советлар савдо-сотиқнинг ташкил қилиниши, ассортиментга, савдо қоидаларига риоя этилиши устидан назоратни кучайтиришлари лозим.

Кооперативлар фаолиятида ижобий силжишлар билан бир қаторда улардан талайгинасининг иши ўртага қўйилган вазифаларга мувофиқ эмаслиги қайд этиб ўтилди.

Кенгашда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. В. Сударенков иштирок этди.

Кенгаш қатнашчилари республика пойтахтидаги савдо, саноат, маиший хизмат корхоналари ва кооперативларида бўлдилар.

(ЎзТАГ).

СССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ АХБОРОТИ

1989 ЙИЛ 18, 19, 20, 21 ВА 23 МАЙ КУНЛАРИ ЎТКАЗИЛГАН ТАКРОРИЙ ОВОЗ БЕРИШДА СССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИНИНГ НАТИЖАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Марказий сайлов комиссияси такрорий овоз беришда СССР халқ депутатлари сайловининг натижалари тўғрисида округ сайлов комиссияларидан олинган протоколларни кўриб чиқиб, хабар қилади:

«СССР халқ депутатлари сайлови тўғрисида»ги СССР Қонунининг 60-моддасига биноан 1989 йил 18, 19, 20, 21 ва 23 май кунлари 78 та территориал ва 48 та миллий-территориал сайлов округларида такрорий овоз бериш ўтказилди. Сайловчилар рўйхатларига 43.944.600 киши киритилган эди, овоз беришда 34.089.147 сайловчи ёки сайловчиларнинг 77,6 проценти қатнашди. Мазкур округларда такрорий овоз бериш натижасида 126 СССР халқ депутати сайланди.

Ҳар бир территориал ва миллий-территориал сайлов округида такрорий овоз бериш натижалари тўғрисида округ сайлов комиссияларининг ахборотлари маҳаллий матбуотда эълон қилинди.

СССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ

1989 ЙИЛ 21 МАЙДАГИ ТАКРОРИЙ ОВОЗ БЕРИШ ЧОҒИДА ЎЗБЕКИСТОН ССРДАН САЙЛАНГАН СССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ

Эргашев Акром Қурбонович, «Ўзбекгидроэнергострой» трестининг бошқарувчиси, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри. 117-Тошкент—Октябрь миллий-территориал округидан.

Саидаҳмедов Исоқжон Мамажонович, Самарқанд бирлашган авиаотрядининг командири, КПСС аъзоси, Самарқанд шаҳри. 110-Самарқанд миллий-территориал округидан.

Худоёров Парда, Сурхондарё область Гагарин районидаги «Искра» совхозининг директори, КПСС аъзоси, Гагарин райони. 112-Термиз миллий-территориал округидан.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ КОНТРОЛИ КОМИТЕТИ СОСТАВИГА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қарор қилади:

1. «Совет Ўзбекистони» газетасининг муҳаррири Ўктам Иброҳимович **Усмонов** ва Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитети ташкилий бўлимининг мудири Александр Сергеевич **Воеков** ўртоқлар Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитетининг аъзолари этиб тасдиқлансин.

2. Ўртоқ Атхамбек Иброҳимович **Фозилбеков** бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитети раисининг биринчи ўринбосари вазифасидан озод қилинсин.

3. Лазиз **Қаюмов** ва Маъруф **Толипов** ўртоқларнинг бошқа ишга ўтганликлари муносабати билан улар Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитетининг аъзолари вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари
А. РОМАНОВСКИЙ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Л. БЕКҚУЛБЕКОВА.

Тошкент шаҳри,
1989 йил 25 май.

ҚЎШНИЛАР МАДАДИ

Хоразм ва Бухоро областлари ўрмон хўжалиги ходимларининг ташаббуси

Қорақалпоғистон ўрмон хўжалиги коллективлари шу чоққача ҳам Мўйноқ ярим ороли атрофида қум кўчишлари олдини олиш тадбирларини кўриб келишган. Айтиш керакки, бу соҳада зарур тажриба ҳам орттирилган. Айни кунларда Оролбўйи территориясида қум кўчишларини чеклашга қаратилган анча-мунча ишлар олиб борилмоқда.

Бироқ белгиланган ишлар кўлами шунчалик кенгки, буни аввалги ишлар ҳажми билан мутлақо таққослаб бўлмайди. Оролнинг қуриб қолган территориясини сув билан батамом тўлдириш мушкул иш. Шунга кўра, денгиз атрофидаги қуриган жойларда ўрмонзорлар яратиш учун кўчатлар экиш экологик вазиятни яхшилаб боришга самарали таъсир кўрсатадиган бирдан-бир тўғри йўлдир. Қуриб бораётган территорияда ўрмон-мелиорация ишларини авж олдириб боришга эътибор кучайтирилаётгани ҳам шундан.

Бу ишда Автоном республика ўрмончиларига қўшни областлардаги ҳамкасблари ҳам хайрихоҳлик билдирмоқдалар. Бирлашмамизнинг яқинда Нукус шаҳрида ўтказилган партия-хўжалик активи йиғилиши иштирокчилари КПСС Марказий Комитети ва Иттифоқ ҳукуматининг Қорақалпоғистон социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш ҳамда Орол денгизи районидаги экология-санитария вазиятини тубдан яхшилашга қаратилган тарихий қарорлари қандай бажарилаётганини атрофлича муҳокама қилдилар.

Йиғилиш кенг тадбирлар комплексини ишлаб чиқди, ҳар бир ўрмон хўжалиги иш ҳажмларини аниқ белгилаб берди. Хоразм ва Бухоро областлари вакиллари Автоном республикадаги қуриб бораётган денгизни асраб қолиш учун ўрмон-мелиорация тадбирларини амалга оширишда кўмаклашиш ташаббуси билан чиқдилар. Ташаббус актив йиғилиши қатнашчилари томонидан қизғин кутиб олинди ва қўллаб-қувватланди.

Денгизнинг қуриб қолган қисмидаги қумларни шиббалаш, ихота дарахтларини тиклаш чоралари кўриладиган бўлди. Қозоқдарё ўрмон-мелиорация станцияси фаолият кўрсата бошлади. Шундай станциялардан яна бири келгуси йил январдан бошлаб ишга киришади. Бизнинг буюртмамизга кўра «Союзгипросельхоз» институтининг Ўрта Осиё филиали томонидан ўрмон-мелиорация ишларининг схемаси ишлаб чиқилди. Денгизнинг қуриб қолган территориясидаги 500 гектар майдонда қум кўчишларининг олдини олиш ва бошқа тадбирлар схемаси яратилди.

«СредазНИИЛХ» илмий ходимлари билан ҳамкорликда Мўйноқ ўрмон хўжалиги мутахассислари қумликлардан муҳофаза қилувчи майдонларнинг яроқлилигини дастлабки тарзда ўрганиб чиқдилар. Шунингдек, экиладиган кўчатларнинг турлари ҳам белгиланди. Ҳозирги вақтда Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети 200 минг гектардан кўпроқ қуриган майдонни давлат ўрмон фондига ўтказиш масалаларини ҳал этмоқда. Шундай қилиш Орол денгизи майдонида ўрмон-мелиорация ишларини авж олдириш учун кенг имкониятлар яратади.

Қорақалпоғистон АССР ўрмон хўжаликлари мавжуд экология ва санитария шароитига кўра йил сайин кўплаб янги техника ва моддий техника ресурслари билан таъминланмоқда. 1988 йили турли маркадаги автомашина, трактор ва экскаваторлардан ўн еттита ажратилди. Бу йил эса ўн саккиз янги техника ажратилди. Шунингдек, социал соҳани ривожлантиришга кўплаб капитал маблағ сарфланади.

Мўйноқ ўрмон хўжалиги базасида йирик ўрмончилик корхонаси ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Келажакда Мўйноқ шаҳрида денгизнинг қуриб қолган қисмидаги ерларни мелиорациялаш билан шуғулланувчи илмий-амалий блок барпо этиш мўлжалланяпти. Яқин вақтларда амалга оширилиадиган ишларнинг муваффақиятини таъминлашда бирлашмамиз коллективига область партия комитети ва республика ҳукумати, район партия ва совет органлари яқиндан амалий ёрдам кўрсатмоқдалар. Шу боис барча муаммолар зудлик билан ҳал қилинмоқда.

Ўрмон-мелиорация ишлари самарадорлигини кўпайтириб бориш учун янада фаолроқ бўлишимиз лозим. Лекин ўрмон хўжалиги коллективларини моддий-техника ресурслари билан таъминлаш бугуни талаблар даражасида эмас. Бунда биз саксовул уруғи етиштириладиган база торлигини ҳам назарда тутмоқдамиз. Оролбўйи территориясини такомиллашган ва асосланган илмий тавсиялар билан таъминланишга ҳам муҳтожмиз. Ишларни жадаллаштириб юбориш учун корхоналарнинг моддий-техника даражасини яхшилаб олишимиз лозим.

Ҳозирги вақтда мавжуд 61 хўжаликдан биронтасини ишлаб чиқариш ҳамда моддий-техникавий жиҳатдан нормативда белгиланган даражада деб бўлмайди. Мўйноқ, Қораўзак ўрмон хўжаликлари ва бошқа хўжаликлардан ўн еттитаси ёрдамга муҳтож. Улар ишлаб чиқариш биноларига эга эмас. Мавжуд биноларнинг эса мослаштирилмаган. Ишлаб чиқариш базалари яратиш ва социал соҳа объектлари қурилиши мўлжаллаб қўйилди. Бунинг учун кооператив тартибда ишлайдиган механизациялашган кўчма колонналар тузила бошлади. Улар вахта усулида иш юритмоқдалар. Бундай иш тутиш хўжалик усулида қурилиш ишлари олиб бориш кўламларини кенгайтиришга имкон бермоқда.

Бирлашмамиз фаолиятини яхшилашда меҳнатга ҳақ тўлашнинг такомиллашган усулларига алоҳида эътибор берилмоқда. Хўжаликларимизни ҳақ тўлашнинг янгича шароитларида меҳнат қилишга кўчириш ишлари бу йил тугалланади. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг такомиллаштириб борилиши бажариладиган ишлар ҳажмини кўпайтириш учун зарур шарт-шароит яратиб беради. Бу эса олдимизда турган кенг кўламли вазифаларни муваффақиятли адс этишда ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Ўрмон хўжалиги ходимлари Оролбўйи экология вазиятини яхшилашдан иборат улкан ишга баракалироқ ҳисса қўшиш учун бутун куч ва имкониятларини сафарбар қилмоқдалар. 1989—1990 йилларда Автоном республика социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришга қаратилган дастлабки тадбирлар ишлаб чиқилди ва улар изчил амалга оширилмоқда.

З. БОТИРОВ,
«Узбеклес» Иттифоқ-республика ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори.

Дўстлик мустаҳкамланаверсин

Совет республикаси билан Афғонистон ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилган кунга 27 майда 70 йил тўлади. Шу воқеа муносабати билан Афғонистон Республикасининг Тошкентдаги бош консули Ғулом Ҳазрат Ҳамгар матбуот конференцияси ўтказди.

Совет Россияси ўз жанубий қўшнисининг мустақиллиги ва суверенитетини дунёда биринчи бўлиб тан олганлиги матбуот конференциясида таъкидлаб ўтилди. Дўстона муносабатларни ўрнатиш ва ривожлантиришда В. И. Ленининг роли катта.

Афғонистондаги апрель революциясидан кейин иккала давлат ўртасидаги ўзаро муносабатлар сифат жиҳатдан янги поғонага кўтарилди. Совет—Афғонистон ҳамкорлигини ривожлантиришга Ўзбекистон салмоқли ҳисса қўшмоқда. Ўзбекистон ССР областларининг Афғонистон Республикаси шимолий вилоятлари билан бевосита алоқалари кенгайиб, мустаҳкамланиб бормоқда.

Ғ. Ҳ. Ҳамгар журналистларнинг саволларига жавоб қайтарди.

• *Ўзбекистон ва жаҳон*

ҲАМКОРЛИК

Жаҳон халқларининг диққат-эътибори ҳамон Афғонистон Республикасида. Кейинги ойларда Афғонистон ва унинг теваракдаги вазият чет эл аралашуви натижасида ғоят кескинлашди. Шунга қарамасдан Афғонистон Республикасининг қонуний ҳукумати мамлакатда тинчликни қарор топтириш ва халқ фаровонлигини оширишга йўлида катта тадбирларни амалга оширмоқда.

Яқинда республикамизда Афғонистон Республикаси Фанлар академиясининг президенти Гулдод ва шу академия илмий кутубхонасининг директори Дўст Муҳаммад Парвони бир неча кун меҳмон бўлишди. Жамоатчи мухбиримиз билан бўлган суҳбатда улар ўз таассуротлари билан ўртоқлашдилар.

ИЗЛАНИШ МЕВАЛАРИ

— Афғонистон Республикаси Фанлар академиясининг ғузилганига деярли ўн йил бўлди, — дейди муҳтарам Гулдод. — Ҳозир у саккизта илмий марказни бирлаштирган. Шулардан тўрттаси ижтимоий фанлар, қолгани табиий фанлар бўйича. Совет Иттифоқи Фанлар академияси билан академиямиз ўртасида олимларнинг кўп қиррали илмий ва амалий ишлари олиб борилмоқда. Бундай изланишлар икки томон вакиллари имзо чеккан шартномага мувофиқ бажарилмоқда.

Афғон олимлари ўз илмий ишларини асосан Москва, Ленинград, Ўзбекистон ва Тожикистон мутахассислари билан амалга оширяптилар. Жумладан, Ўзбекистон геологлари билан ҳамкорликда ўз мамлакатимизда газ, ер ости сувларининг запасларини, мармартош ва бошқа табиий бойликларни топишга муяссар бўлдик.

Бугунги кунда ижтимоий ютуқларни илм-фансиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Ўзбек деҳқонлари, олимлари пахтачиликни ривожлантиришда катта тажриба орттирганлар. Бу техникавий ўсимлик бизни ҳам жуда қизиқтиради. Афғон олимларининг фикрича, мамлакатимизда пахтачиликни ривожлантириш қатъий зарур ва шу масалада бизлар ўзбек, тожик, туркман ҳамкасбларимизнинг ютуқларини ўрганиш ва уларни ўз диёримизда татбиқ этишни келгусидаги асосий режаларимиз деб биламиз.

Эрксевар афғон халқи барча қийинчиликларга қарамай, албатта, тинчликка эришади. Ҳозир совет олимлари билан олиб бораётган илмий ҳамкорлигимиз самарасини бериши шубҳасиздир.

КАТТА ХАЗИНА

Совет—Афғон дўстлиги ва ҳамкорлиги асрлар оша давом этиб келмоқда. Адабий меросимиз, анъаналар ва урф-одатларимиз, маданиятимиздаги кўп ўхшашликлар бунинг яққол далилидир. Тарихий-маданий алоқаларни ўрганишда эски қўлёзмалар ва китобларнинг ўрни алоҳида.

— Афғонистон Республикаси Фанлар академиясининг қошида яхши илмий кутубхона мавжуд, — дейди Дўст Маҳаммад Парвони. — Унинг бойлигидан афғон олимларигина эмас, балки мамлакатимизга тез-тез ташриф буюраётган совет шарқшуносларидан ҳам баҳраманд бўладилар. Бизда тарих, география, адабиётга доир кўпдан-кўп қўлёзмалар бор. Уларнинг баъзилари олимлар томонидан ўрганилиб, фан ва маданиятни янада ривожлантириш йўлида ишлатиляпти. Кобул шаҳрида миллий архив мавжуд, у ерда ҳам ноёб қўлёзмалар кўп. Уларнинг баъзилари ҳижрийнинг VIII—IX асрларида ёзилган.

Яқинда Душанбе шаҳрида Қобулдан келтирилган ноёб қўлёзмалар ва китобларнинг кўргазмаси бўлиб ўтди. Улар дари, форс тилларидагина бўлмасдан бошқа тилларни ҳам ўз ичига олди. Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ўзбек тилида яратилган асарлари шулар жумласидандир. Фикримча, бундай кўргазманинг келгусида Ўзбекистонда ҳам ташкил этилиши кўпчиликка манзур бўлиши табиий.

Ҳар бир халқ ўз тарихи, маданиятини чуқур билиши керак. Ана шундагина бошқа халқларнинг тарихи ва маданиятига ҳурмат билан қараши мумкин. Шунинг учун биз Тошкентда сақланаётган қўлёзмалар билан ҳам яқиндан танишишимиз лозим. Бу борада бизларни Ўзбекистон Фанлар академияси Қўлёзмалар институти, Шарқшунослик институти бойликлари, айниқса қизиқтиради. Бизлар ўзбекистонлик олимларнинг бу борада олиб бораётган илмий ишларидан кўпдан-кўп мамнунмиз. Зеро, уларнинг меҳнати бизнинг ҳам маданий ҳаётимиз учун катта хазинадир.

Б. ЗУФАРОВ.

ЗАКОВАТ НАМУНАСИ

В. И. Ленин «Материализм ва эмпириокритицизм» асари чоп этилганининг 80 йиллигига

В. И. Лениннинг бевосита фалсафий масалаларга бағишланган бир қанча йирик асарлари қатори «Материализм ва эмпириокритицизм» асари марксистик философия тараққиётига қўшилган бебаҳо хазинадир. Мазкур асар 1908 йилнинг февраль-октябрь ойлари оралиғида ёзилган бўлиб, 1909 йил май ойида нашр этилган. Маълумки, бу даврда 1905-1907 йиллар революцияси мағлубиятга учраган, мамлакатда «тушкунлик, ахлоқий бузилиш, ажралишлар, тарқоқлик, ренегатлик» ҳукм сураётган эди. Айниқса, идеализмнинг «янги» шакли махизм, буржуазия ва рус интелигентлари орасида кенг тарқалган «худо изловчилар», «худо қидирувчилар»га ўхшаш диний-фалсафий оқимлар ёрдами контрреволюцион кайфиятларни оқлашга интилишлар кучайган эди. Буларнинг ҳаммаси марксизмнинг назарий асосига зарба бериш, ишчилар синфи ва унинг партиясини революцион таълимотдан маҳрум этишга қаратилган эди. Махизм ёки эмпириокритицизм («таҳқидий тажриба») ғоялари марксизмнинг ошкора душманлари томонидан тарғиб қилинибгина қолмай, бир қатор ёзувчилар «Бадатов, Богданов, Луначарский, Берман, Гельфонд, Юшкевич, Суворовлар ҳам, марксизмни ревизия қилишда ундан фойдаландилар, ишчилар партиясининг назарий асосига путур етказиш мақсадида унга асосландилар. Марксистик фалсафанинг софлигини сақлаб қолиш, махизмнинг реакцион моҳиятини очиб ташлаш фалсафий ревизионизмнинг революцион назарияга қаратилган бемаъни, асоссиз уйдирмаларини фош этиш, XIX асрнинг охири XX асрнинг бошида табииёт фанларида қилинган кашфиётларни диалектик-материалистик нуқтаи назаридан талқин этиш ва шунга ўхшаш бошқа масалалар бу даврда энг зарур ва кечиктириб бўлмайдиган вазифа бўлиб қолган эди. «Материализм ва эмпириокритицизм» ана шу вазифаларни изчил ва ҳар томонлама ҳал қилган асар сифатида майдонга келди.

В. И. Ленин мазкур асарда махистларнинг «биз материализмни, табииёт ва шу кабилар нуқтаи назаридан рад қилаётирмиз» деган даъволари асоссиз эканлигини исботлаб берди. Доҳий жуда кўп далиллар асосида махизм ва унинг издошлари томонидан ихтиро қилинган янги иборалар «принципиал координация», «дунё элементлари», «соддадил реализм», «трансцензус», «эмпириомонизм» «эмпириосимволизм» аслида XVIII аср субъектив идеализм намояндалари Беркли ва Юм қарашларини қайтадан тиклашга уринишдан бошқа ҳеч нарса эмаслигини очиб ташлади. Фалсафанинг асосий масаласи — материя билан онгнинг муносабати тўғрисидаги масалага тўхтаб, уни янада ривожлантирди, материалистик диалектика нуқтаи назаридан ҳар томонлама ишлаб чиқди. Марксистик фалсафа, деб кўрсатади В. И. Ленин материяни бирламчилиги онгнинг иккиламчилигини эътироф этиш билан бирга уларни махистлар сингари бир-бирига мутлоқ тарзда қарама-қарши қўймайди. Бу қарама-қаршилик чегараланган доирада, яъни нимани бирламчи, нимани иккиламчи деб билиш керак деган гносеологик масала доирасида мавжудлигини «бу доирадан ташқарида мазкур қарама-қаршиликнинг нисбийлиги шубҳасиз» эканлигини уқтириб ўтади. «Материя, — деб ёзади В. И. Ленин, — объектив реалликни ифодалайдиган философик категория бўлиб, бу объектив реалликни инсон ўз сезгилари билан идрок қилади, бу объектив реаллик бизнинг сезгиларимизга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуддир. Бизнинг сезгиларимиз ундан копия олади, сурат олади ва уни акс эттиради». Материяга берилган ленинча бу таъриф муҳим методологик аҳамиятга эгадир. Гап шундаки, материя тўғрисидаги фалсафий тушунча билан унинг тузилиши ҳақидаги табииёт фанларининг тасаввурларини аралаштириб, бирдай деб қараш тўғри хулосаларга олиб келмайди. Материя тузилиши тўғрисидаги табиий-илмий тасаввурлар фандаги кашфиётлар натижасида ўзгариб бораверади. XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида бу соҳада мисли кўрилмаган кашфиётлар (радиоактивлик, атомларнинг мураккаб тузилганлиги, электронлар, жисмлар массасининг ҳаракатнинг тезлигига боғлиқ эканлиги ва бошқалар) шу даргача фанда ҳукм суриб келаётган материя ҳақидаги тасаввурларни «барбод» қилди.

Доҳий махистларнинг ташқи дунёси объективлигини, уни билиш мумкинлигини инкор этувчи идеалистик қарашларини танқид қилиб. диалектик материализм ташқи оламини билиш масаласида «дунё» (марксистлар фикрича) доимо ҳаракат ва тараққий қилиб турадиган материядан иборат» ва «тараққий қилиб бораётган инсон онги бу материяни акс эттиради» деган таълимотга асосланади ва «бунда гап табиатни акс эттирувчи онг билан онгда акс эттириладиган табиат ўртасидаги мувофиқлик устида бораётир» деб, уқтириб ўтади. В. И. Ленин диалектик материализмнинг гносеологиясини ишлаб чиқар экан инсон объектив дунёни фақат мушоҳада этиш билан чегараланиб қолмай, балки шу билан у борлиқни актив инкор этиш, уни ижодий тарзда қайтадан қуриш имкониятига эга эканлигини таъкидлаб ўтади. Онг инсон амалий фаолияти орқали ўзини вужудга келтирган объектив оламни ўзгартишда актив иштирок этади. Бу фақат якка шахс онгига хос бўлган хусусият бўлиб қолмасдан, балки шу билан бирга ижтимоий онгга ҳам хос бўлган хусусиятдир. Агар прогрессив ғоялар миллион-миллион кишилар онгини эгаллаб олса, улар моддий кучга айланади. Ҳозирги кунда партиямиз томонидан совет кишилари олдига мамлакатимизни қайта қуриш, демократия ва ошкораликни кенг кўламда ривожлантириш вазифалари ана шундай моддий кучга айланган сиёсатдир. Бу вазифаларни амалга оширишда кишилар онгининг активлик даражасини ошириш, уларнинг амалий фаолиятларини ривожлантириш, янгича фикрлаш ва ишлашни қарор топтириш муҳим аҳамият касб этади.

В. И. Ленин объектив абсолют ва нисбий ҳақиқатлар диалектикасини ҳар томонлама ишлаб чиқди ва ривожлантирди. Махистларнинг бу масалалар юзасидан олдинга сурган субъектив идеалистик ва релятивистик қарашларига кескин зарба берди.

Ҳақиқат деб кўрсатади у объектив олам нарса ва ҳодисаларнинг инсон миясида тўғри акс этган мазмунидир, Ҳақиқат объектив характерга эга. Объектив ҳақиқат билимларимизнинг инсонга ва инсониятга боғлиқ бўлмаган объектив мазмунидир. Ҳақиқатни билиш диалектик жараёндир. Инсон объектив оламни бирданига, тўла акс эттира олмайди, балки инсон билими практика асосида такомиллашиб, билмасликдан билишга, оз билишдан кўп билишга, ҳодисадан моҳиятга қараб боради. Демак, инсон билимлари нисбий ҳақиқатдан абсолют ҳақиқатга қараб кўтарилади.

Нисбий ва абсолют ҳақиқатлар ўртасидаги диалектик муносабат ҳақидаги ленинча таълимот пролетариатнинг революцион назариясига ижодий ёндашишда ревизионизм ва догматизмга қарши курашда катта ўрин тутади. Марксизм-ленинизм асосчилари доимо таълимотларига ижодий ёндашганлар, унинг у ёки бу томонларини фаннинг янги кашфиётлари, ижтимоий тараққиёт жараёнида вужудга келган янги далиллар асосида конкретлаштириб борганлар. Лекин бу илмий дунёқарашнинг моҳияти, унинг революцион принципларини бузиш, қайтадан кўриб чиқиш ҳисобига бўлган эмас. М. С. Горбачев Бутуниттифоқ XIX партия конференциясида қилган докладида бундай дейди: «Мамлакатнинг маънавий турмуши янада хилма-хил, мароқли ва сермазмун бўлиб қолди. К. Маркс билан В. И. Лениннинг яқин вақтларгача ё бир томонлама идрок этилган ёки бутунлай тилга олинмай қўйилган кўпгина ғоялари янгича талқин этилмоқда. Илмий, инсонпарвар, социализмнинг ижодий негизи догматизмга қарши курашда қайтадан бунёд этилмоқда».

В. И. Ленин «Материализм ва эмпириокритицизм» китобида махизм ва унинг издошлари томонидан «практика критерийсини фан доирасидан, билиш назарияси доирасидан ташқари»га чиқариб «практика бошқа нарсаю, билиш назарияси тамоман бошқа нарса» деб исбот қилишга уринишларини софистика ва фалсафий найрангбозликдан иборат эканлигини кўрсатиб берди. Унингча марксча фалсафа практика ҳақиқатнинг мезони экани тўғрисидаги назарияси ҳар қандай идеализм ва ангастицизм таълимотчиларига қарама-қаршидир. В. И. Ленин ўз асарида доимо ўзгариб, янгиланиб борадиган практика инсон билимларининг қотиб қолишига йўл қўймайди, у тинимсиз ривожланиб, чуқурлашиб бораверади деб таълим беради. Бундай принципга қаттиқ риоя қилган. Лениннинг ўзи марксизмни илмий-назария ва революцион практиканинг бузилмас бирлигидан ташкил топган таълимот деб қараб, уни янги босқичга кўтарди.

Доҳийнинг мазкур китоби фалсафанинг партиявийлиги принципи билан суғорилган. У ўз асарида қайси масалага тўхтамасин уларни фалсафадаги икки, бир-бирига қарама-қарши оқим — материализм билан идеализм ўртасидаги кураш масаласи билан боғлиқ равишда таҳлил қилади.

В. И. Лениннинг гениал асари «Материализм ва эмпириокритицизм» большевиклар партиясини ғоявий қуроллантиришда, уни назарий жиҳатдан бирдамлигини сақлаб қолишда мисли кўрилмаган роль ўйнади. Ҳозирги кунда ҳам бу ўлмас асар дунёни* билиш ва революцион тарзда қайта қуриш ишига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Д. ҒАНИЕВ,
фалсафа фанлари кандидати, доцент.

*) клублар, бирлашмалар, уюшмалар, кенгашлар ва бошқалар.

АГРОСАНОАТ ХАБАРЛАРИ

ФАРҒОНА

УРУҒЛИК ПИЛЛА ТЕРИЛЯПТИ

● Тошлоқ районидаги «Ленинград» колхози уруғлик пилла етиштиришга ихтисослаштирилган.

Куни кеча хўжалик пиллакорлари областда биринчи бўлиб пилла теришга киришдилар. Шаҳобиддин Қурбонов бошлиқ бригада аъзолари ўтган йили планни 121 процентга адо этишган эди. Бу йил ҳам улар ипак қуртларини намунали парваришладилар. Мукаррамхон Ғофурова, Умринисо Бозорова, Ғофуржон Маткаримов, Асалхон Ортиқова, Маҳбубахон Тешабоева сингари онлавий звеноларда, айниқса, мўл уруғлик пилла етиштирилди. Пиллакорлар давлатга 4 тонна уруғлик пилла сотишни мўлжаллашаётир.

С. ҚОДИРОВ.

АГРЕГАТЛАР ДАЛАДА

● Шу райондаги Карл Маркс номли колхозда 292 гектар бедазор бўлиб, бу йил шу ерларнинг ҳар гектаридан 120 центнердан қуруқ пичан олиш планлаштирилган. Мавжуд бедазорлар йил бошиданоқ 10 йил муддатга 45 нафар ижарачи ихтиёрига берилиб қўйилди. Ижарачилар бедазорларга ўз томорқаларидек муносабатда бўлдилар. Улар экинни фосфорли ва калийли ўғитлар аралашмаси билан озиқлантирдилар. Маҳаллий ўғит солиб вақтида суғордилар. Шу туфайли ҳам барча пайкаллардан мўл ҳосил етиштирилди.

Айни кунларда озуқакорлар беданинг дастлабки ўримини қизғин давом эттиришмоқда. Ўз комбайнларини моҳирлик билан бошқараётган Анвар Исоқов, Юнусали Ғафуров, Абдураҳим Тошлановлар ўримда бошқаларга намуна бўлишаётир.

Т. ҲОТАМОВ.

ПЕШҚАДАМЛАР САФИДА

● Бағдод районидаги «Москва» совхозининг моҳир пиллакори Умринисо Норматована кўпчилик ҳурмат қилади. У ҳар йили пилла топшириш шахсий топшириқларини шараф билан бажариб келади. Моҳир пиллакор кўп йиллик ҳалол меҳнатлари эвазига ҳукумат мукофотларига сазовор бўлган. Жумладан, «Ҳурмат Белгиси» ордени унинг меҳнатига берилган муносиб баҳодир. У. Норматова бу йилги мавсумда ҳам астойдил меҳнат қилаётир.

Кўкламда 19 грамм ипак қуртини олиб парваришлай бошлади. Бироқ апрелнинг охирларида юз берган табиий офат натижасида хўжаликдаги кўплаб тут дарахтларига зарар етди. Анчагина барг нобуд бўлди. Шунга қарамай Умринисо Норматованинг ишбилармон пиллакорлар тушкунликка тушмай, тутзорларни ўғитлаш, суғориш, яхши парваришлаш туфайли барг миқдорини кўпайтиришга, пировард натижада қуртларни етарли озуқа билан таъминлашга эришмоқдалар. Айни кунларда хўжалигининг кўпгина пиллакорлари «кумуш тола» топшириқни бошлаб юбордилар. У. Норматова ҳам пешқадамлар сафида пилла топшираётир. Унинг нияти — бу йил она-Ватанга 100 килограмм уруғлик пилла топшириш.

Суратда: моҳир пиллакор Умринисо Норматова.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ суратн.

ЛОЙИҲА

СССР истеъмолчилар жамиятлари тўғрисида НАМУНАВИЙ НИЗОМ

СССР истеъмолчилар жамиятлари* товарлар ва хизматлар истеъмолчиси сифатида ўз ҳуқуқлари ва манфаатларини биргаликда ҳимоя қилиш мақсадида гражданларни бирлаштирувчи кўнгилли, мустақил, ўзини-ўзи бошқарадиган жамоат ташкилотидир.

Жамиятлар СССР Конституциясига, Совет Қонунларига ва ўз Уставига (Низомига) амал қилади.

1. Истеъмолчилар жамиятларининг асосий вазифалари.

Истеъмолчиларнинг сифатли халқ истеъмол моллари ва хизматларга, юксак даражада маданий хизмат кўрсатишга эҳтиёжларини қондиришда уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш учун, давлат ва хўжалик органларида истеъмолчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун ташкилий негизларни яратиш;

Халқ истеъмоли моллари ва аҳолига кўрсатиладиган хизматнинг истеъмол хусусиятлари, хиллари ва сифати, нархлар ва хизмат тарифлари тўғрисида жамоатчилик фикрини ўрганиш, истеъмол бозорининг товарлар ва хизматлар билан қанчалик тўлдирилганига баҳо бериш;

Истеъмолчиларни товарлар ҳамда хизматларнинг хиллари ва сифати тўғрисида холисона ахборот билан таъминлаш;

Юридик, товаршунослик маслаҳатлари ва бошқа маслаҳатлар ва хизматлар қилиш;

Истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги билимларни оммалаштириш. Редакция — ноширлик фаолияти, шу жумладан оммабоп ва махсус адабиётлар чиқариш; конференциялар, семинарлар, истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари тўғрисида лекциялар ташкил этиш; истеъмол маданиятини, рўзғор ва оила бюджетини юритишнинг оқилона усулларини тарғиб этиш учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш;

Истеъмолчилар турли гуруҳларининг ёши, миллати ва касб хусусиятларини ҳисобга олиб, уларнинг манфаатларига дахлдор бўлган муаммолар юзасидан илмий-тадқиқотлар ўтказишни ривожлантиришга кўмаклашиш;

Кам даромад оладиган оилалар, инвалидлар, болалар ва қариялар манфаатларининг биринчи навбатда ҳимоя қилинишини таъминлаш;

Истеъмолчиларнинг чет эллардаги уюшмалари ва бирлашмалари билан ҳамкорлик қилишдан иборат.

2. Жамият фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш.

Истеъмолчилар жамиятлари ва уларнинг сайлаб қўйиладиган органлари жамоатчилик асосида ишлайдилар.

Жамиятлар фаолияти якка тартибда ва коллектив бўлиб иштирок этиш асосида қурилади. Уларнинг ишида СССРнинг ҳар бир граждани иштирок этиши мумкин.

Истеъмолчилар жамиятлари истиқомат жойларида тузилиши, шунингдек манфаатлари умумий гражданлар районларда, шаҳарларда, областларда, ўлкаларда, республикаларда бирлашишлари мумкин.

Умумий йиғилиш, конференциялар, съездлар жамиятнинг олий органидир.

Йиғилишлар, конференциялар, съездлар ўртасидаги даврда ижроия-бошқарув фаолиятини коллегиал органлар ёки йиғилиш, конференция, съезд вакил қилган кишилар амалга оширадилар.

3. Ҳуқуқий қоида.

Истеъмолчилар жамиятлари (уларнинг бирлашмалари) юридик шахс бўлишлари мумкин.

4. Жамиятларнинг маблағлари.

Ноширлик, маслаҳат бериш ҳамда хўжалик фаолиятининг бошқа турларидан тушадиган даромадлар;

Гражданларнинг, жамоат ва хўжалик ташкилотларининг ўз ихтиёри билан берган пуллари;

Давлат органлари ёрдам тариқасида берган пуллар жамиятлар маблағининг асосий манбаидир.

Жамиятларнинг маблағлари:

Товарлар ва хизматлар сифатини экспертизадан ўтказишга;

Ахборот-маълумот материалларини нашр этишга;

Конференциялар, семинарлар, маслаҳатлар, лекциялар ўтказишга;

Уставда (Низомда) белгилаб қўйилган бошқа мақсадларга сарфланади.

5. Жамиятлар фаолиятини тўхтатилиши.

Жамиятлар ўз фаолиятини умумий йиғилиш, конференция, съездлар қарорига мувофиқ тўхтатадилар.

ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛАЙЛИК

Азиз ўртоқлар!

Сизга янги жамоат тузилмаси — товарлар ва хизматлар истеъмолчиларининг бирлашмасини бунёд этувчи ташаббускор гуруҳ мурожаат қилмоқда. Ҳар биримиз учун жуда ҳаётий муҳим бўлган соҳалардан бири — истеъмол ва хизмат соҳасида қайта қуришга биргаликдаги куч-ғайратлар билан ҳар томонлама мадад бериш, сизнинг истеъмолчилик ҳуқуқларингиз, манфаатларингиз ва эҳтиёжларингини коллектив бўлиб муҳофаза этилишига эришиш бизнинг мақсадимиздир.

Москва, Ленинград, Украина, Белоруссия, Литвадаги истеъмолчилар ҳаракатининг фаоллари, шунингдек ВЦСПС, ВЛКСМ Марказий Комитети, Совет хотин-қизлари комитети, уруш ва меҳнат ветеранлари Бутуниттифоқ кенгаши, В. И. Ленин номидаги Совет болалар фонди, СССР Журналистлар союзи, «Экономическая газета», «Социалистическая индустрия», «Советская торговля» газеталари, «Неделя» ҳафталиги редакциялари истеъмолчилар жамиятларини бунёд этиш ташаббускорларидирлар.

СССР Давлат стандартлари комитети, СССР Фан-техника давлат комитети, СССР Юстиция министрлиги, СССР Савдо министрлиги, СССР Центросоюзи, СССР Дизайнерлар уюшмаси бирлашмамизни тузишда ёрдам беришга тайёрдирлар. Янги ҳаракат куч-қувватга тўлиб бормоқда. У жамиятнинг турли қатламларини қамраб олянти. Аҳоли, меҳнат коллективлари, жамоат ва давлат ташкилотлари бу ишни кенг кўламда қўллаб-қувватламоқдалар.

Бизнинг ташаббускор гуруҳимиз ҳам ана шу ҳаракатнинг вакиллари ва фаолларидан тузилган. Биз ўзимизнинг ташкилий учрашувимизда истеъмолчилар жамиятларини бунёд этишнинг асосий йўналишларини кўриб чиқдик ҳамда жамиятлар фаолиятининг мақсади, вазифалари ва принципларини ушбу ҳаракат фаолларининг ўзи белгилаши, мазкур жамиятларнинг иши чинакам демократик негизда олиб борилиши лозим, деган қарорга келдик.

Сизга, истеъмолчилар ҳаракатининг барча фаолларига, жамики жамоат ташкилотларига мурожаат қилиб, биз сизни СССР истеъмолчилар жамиятлари тўғрисидаги намунавий низом лойиҳасини муҳокама қилишда жуда актив иштирок этишга даъват этамиз. Мазкур лойиҳа матбуотда эълон қилинади. Лойиҳа кенг кўламда муҳокама қилиниб, сизнинг фикр-мулоҳазаларингиз ва маслаҳатларингиз, харидорларнинг дастлабки клублари ва уюшмалари иш тажрибаси ҳисобга олинганидан кейин 1989 йилнинг ўрталарида биз СССР истеъмолчилари жамиятларининг таъсис конференциясини чақиришни таклиф этамиз.

Таклифларингизни ва фикр-мулоҳазаларингизни кутамиз.

Ташаббускор гуруҳ.
Адресимиз: Москва, шаҳри, 117119 Ленин проспекти 42, ВЦСПС, телефонлар: 930-80-16, 938-82-08.

«Совет Ўзбекистони» материаллари изидан

«АДОЛАТ»

Газетамизнинг шу йил 18 март сонида босилган юқоридаги сарлавҳали таҳқидий мақолада Самарқанд шаҳрадаги 1-медицина санитария қисмининг собиқ бош врачи Адолат Баҳриева етти йил нажот излаб, идорама-идора юриб, сарсон-саргардон бўлганлиги, айрим мансабдор шахсларнинг масъулиятсизлиги, кишилар тақдирига бефарқлиги фактлари очиб ташланган эди.

Ушбу мақола юзасидан Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги, Ўзбекистон ССР Прокуратураси ва Узсовпрофдан расмий жавоблар олинди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ МИНИСТРЛИГИ шуни маълум қиладики, ССР Иттифоқи прокуратурасининг республика бир қатор соғлиқни сақлаш органларининг, А. Баҳриевани вазифасидан бўшатиш ҳақидаги ноқонуний қарорига нисбатан билдирган норозилигига асосан Самарқанд область соғлиқни сақлаш бўлими, шаҳар ва Темир йўл район соғлиқни сақлаш бўлимларининг А. Баҳриевани бўшатиш ҳақидаги буйруқларини бекор қилиш ва уни 1-медсанчастга бош врачлик вазифасига тиклаш ҳамда А. Баҳриевага ишламаган вақтлари учун ўртача иш ҳақи тўлаш тўғрисида буйруқ чиқарилди.

Самарқанд область соғлиқни сақлаш бўлими 1989 йил 14 апрелда А. Баҳриевани 1-медсанчастга бош врачликка тиклаш, ишламаган вақтлари учун ўртача иш ҳақи тўлаш тўғрисида буйруқ чиқарди ҳамда 1-медсанчасть бош врачи Читадзени вазифасидан бўшатиш юзасидан чоралар кўрилди.

Ҳозирги вақтда А. Баҳриева ўз вазифасини бажаришга киришди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ПРОКУРАТУРАСИ йўллаган расмий жавобда «Адолат» сарлавҳали мақола кўриб чиқилганлиги, А. Баҳриеванинг шикояти бўйича СССР Прокуратураси норозилигига кўра республика Соғлиқни сақлаш министрлиги буйруғи билан вазифасига тикланганлиги, хизмат бурчини бажаришга киришганлиги маълум қилинади.

УЗСОВПРОФдан олинган жавобда таъкидланишича, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети аралашувидан сўнг соғлиқни сақлаш органлари СССР Прокуратураси норозилигини амалий бажариш билан шуғулланган.

ГАЗЕТАДА БОСИЛМАДИ, АММО ЧОРА КЎРИЛДИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ МИНИСТРЛИГИ:

— Наманган область қон қуйиш станцияси врачи В. Мирзаназаровнинг ишдан ноқонуний бўшатилганлиги тўғрисидаги хати кўриб чиқилди. Область қон қуйиш станциясининг бўйруғи билан В. Мирзаназаров врач-лаборантликка ўтказилди.

Наманган область соғлиқни сақлаш бўлими бўйича чиқарилган бўйруққа кўра, меҳнат қонунини бузганлиги учун область қон қуйиш станцияси бош врачи Т. Мамадалиевга қаттиқ ҳайфсан эълон қилинди. В. Мирзаназаровга етказилган моддий зарар тўла ундириб берилди.

СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТЬ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ:

— Бойсун районида яшовчи С. Норқулов ва бошқаларнинг хати юзасидан текшириш ўтказилди. Бунда райондаги 37-мактаб ўқитувчиси А. Абдураҳмонов 9-«А» синф ўқувчиларига нисбатан қўпол муомалада бўлганлиги факти тасдиқланди. Мактаб педсовети қарори билан А. Абдураҳмонов 9-«А» синф раҳбарлиги вазифасидан бўшатилди ва унга район халқ маорифи бўлими бўйруғи билан қаттиқ ҳайфсан берилди.

БЕКОБОД РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИ:

— «Ленинград» совхози механизаторларининг аризаси ўша жойнинг ўзида кўриб чиқилди. Унда баён этилган маълумотлар қисман тасдиқланди.

3-бўлим бухгалтери Т. Абдусатторов аризачиларга 1988 йил якунлари бўйича мукофот ажратилаётганида уларга нима учун пул берилаётганлигини тушунтирмаган.

Ўз вазифасига совуққонлик билан муносабатда бўлганлиги учун 3-бўлим бухгалтери Т. Абдусатторов вазифасидан бўшатилди ва совхознинг қурилиш бўлимига ишга ўтказилди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми машина-ускуналардан фойдаланиш самарадорлигини, буюртмаларни бажариш сифатини, меҳнат унумдорлигини оширишга катта ҳисса қўшганликлари, жамоат турмушида фаол қатнашаётганликлари учун Ф. Э. Дзержинский номли Бекобод цемент комбинатининг токарь-мастери Анатолий Иванович **Гордиенко**, В. И. Ленин номли Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг экскаватор машинисти —бригадир Петр Павлович **Малов** ўртоқларга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган саноат ходими» фахрий унвони берди;

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Тошкент шаҳрида ёритиш тармоқларини қуришга, уларни ишлатиш ва такомиллаштиришга шахсан катта ҳисса қўшганлиги учун «Ташгорсвет» корхонасининг директори ўртоқ Содиқжон Ортиқович **Тоҳиповга** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган саноат ходими» фахрий унвони берди;

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Тошкент шаҳрида инженерлик коммуникациялари қурилишига катта ҳисса қўшганлиги ва жамоат турмушида фаол қатнашаётганлиги учун «Ташинжстрой» трестига қарашли 1-ихтисослаштирилган бошқарманинг бошлиғи ўртоқ Михаил Львович **Клубаковга** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган қурувчи» фахрий унвони берди;

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми автомобиль транспортини ривожлантиришдаги хизматлари, коллективга моҳирлик билан раҳбарлик қилаётганлиги, бу эса давлат планларининг бажарилишига кўмаклашаётганлиги, транспортчиларнинг социал масалаларини муваффақиятли ҳал этганлиги учун Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитетининг Фарғона шаҳридаги ихтисослаштирилган хўжалик ҳисобидаги автомобиль корхонаси директори ўртоқ Виктор Александрович **Ракушинга** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган транспорт ходими» фахрий унвони берди;

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми кўп йил самарали ишлаганлиги, юксак касб маҳорати, ёш малакали ўринбосарларни тайёрлаганлиги ҳамда актив жамоат фаолияти учун Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги марказий клиник касалхонаси бўлимининг мудири ўртоқ Мери Абрамовна **Шорга** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими» фахрий унвони берди;

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш ишидаги хизматлари, катта ташкилотчилик, педагогик ва жамоат ишлари учун Андижон ҳисоб-бухгалтерия техникумининг директори ўртоқ Мухторжон **Раҳимовга** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими» фахрий унвони берди;

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми халқ ижодиётини ривожлантиришдаги хизматлари, юксак ижрочилик маҳорати учун В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси авиасозлар маданият ва техника саройи доирачилар халқ ансамблининг раҳбари ўртоқ Ҳусан Мансурович **Носировга** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист» фахрий унвони берди;

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республикада физкультура ва спортни ривожлантириш соҳасидаги кўп йиллик самарали ишлари, юксак маҳоратли спортчиларни тайёрлаганлиги учун Тошкент шаҳридаги спорт беллашувлари республика олий спорт маҳорати мактабининг бокс бўйича тренери ўртоқ Алексей Давидович **Динга** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони берди;

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ҳаваскорлик халқ ижодиётини ва касаба союзлари кино тармоғини ривожлантиришдаги хизматлари учун В. И. Ленин номли Янгиер бинокорлик материаллари ва конструкциялари комбинати маданият саройининг директори Василий Васильевич **Козлов**, Сирдарё область касаба союзлари совети бўлими мудирининг ўринбосари Павел Николаевич **Сербинов** ўртоқларга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони берди;

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Ўрта Осиё халқларининг маданий меросини тадқиқ этиш, сақлаш ва тарғиб қилиш борасидаги самарали фаолияти учун Ўзбекистон ССР Фанлар академияси шарқшунослик институти бўлимининг мудири ўртоқ Қувомиддин **Мунировга** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони берди;

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми матбуотда самарали ишлаганлиги, ўзбек китобини тарғиб этиш ва оммалаштириш ишини такомиллаштиришга катта ҳисса қўшганлиги, актив жамоат фаолияти учун Ўзбекистон ССР Давлат китоб палатасининг директори ўртоқ Носир Умарович **Маҳмудовга** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони берди;

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қишлоқ хўжалик меҳнатчиларига хизмат кўрсатишда эришган ютуқлари, коллективнинг социал масалаларини муваффақиятли ҳал этганлиги учун Тошкент область матлубот союзи Октябрь районлараро базасининг директори ўртоқ Клавдия Ивановна **Шелдяевага** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган аҳолига хизмат қилиш соҳаси ходими» фахрий унвони берди;

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми илғор меҳнат усулларини жорий этиш борасидаги фаол самарали ишлари, чўчқачилик маҳсулдорлигини оширганлиги, маҳсулот таннархини арзонлаштирганлиги учун Тошкент область, Оҳангарон районидаги «Галақудуқ» совхоз-саноат комплекси наслчилик фермасининг бошлиғи ўртоқ Николай Никифорович **Варавани** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

Кўп болали оналарга мукофотлар

СССР Олий Совети Президиумининг 1989 йил 23 май Фармонига биноан Ўзбекистон ССРда истиқомат қилувчи ўн ва ундан ортиқ бола туғиб тарбиялаган кўп болали 247 онага «Қаҳрамон она» фахрий унвони берилди. Уларга «Қаҳрамон она» ордени топширилади.

(ЎзТАГ).

• *Санъат оламида*

ИНСОН ФАРИШТА ЭМАС

(М. Авезов номидаги қозоқ давлат академик драма театрининг спектаклини кўриб)

Ҳамза номидаги ўзбек Академик драма театрининг Олмаотада, М. Авезов номидаги қозоқ Академик драма театрининг Тошкентда спектакль кўрсатишлари изчиллик касб этиб, ажойиб анъанага айланиб бормоқда. Бундай борди-келди, танишув қозоқ ва ўзбек санъаткорлари ўртасидаги маданий алоқаларни кучайтиряпти, бирбирларининг ижодий ривожига ёрдам беряпти.

Тўғри, ҳар бир миллий маданият, санъат ўша халқнинг ўз ижтимоий, тарихий шароити, оғзаки, ёзма адабий тажриба ва анъаналарининг заминида, ички қонуниятнинг мантиқи асосида равнақ топади. Бу омиллар миллий санъатнинг янги тараққиёт босқичини белгилашга кўмаклашади. Шу билан бирга бир халқ санъатинийнг иккинчи халқ санъатига таъсири ҳам муҳим роль ўйнаши шубҳасиздир. Чунки, ҳеч бир миллий санъат ўз қобиғида, ўзилган ҳолда камол топмайди, жаҳон маданиятининг илғор сафидан жой ололмайди. Буни қозоқ театри спектакларининг юксак ғоявий-бадиий савияси ҳам кўрсатиб турибди. Театр қардош халқлар санъатларидаги илғор анъаналардан самарали фойдаланаётган коллективдир.

Ижодий сафар репертуаридан ўрин олган «Қора кўз» (М. Авезов), «Оқ кема» (Ч. Айтматов), «Бизлар фариштa эмасмиз» (К. Муҳаммаджонов), «Нитуш хоним» (Ф. Эрве), «Йўқолган дўст» (Т. Ахматов), «Жойномоз» (А. Сулаймонов), «Синфимиз қизлари» (Е. Домбаев), «Қор маликаси» (Е. Шварц) спектакллари ҳар томонлама диққат-эътиборга сазовор. Улар театр репертуарининг рангбаранглигидан, қўйилган масалаларнинг турли ва ўзига хослигидан, ифода этилган мавзуларнинг долзарблигидан, шакл ва усулларнинг ҳар хиллигидан, режиссёрлар талқининг оригинал хусусиятларидан далолат беради.

Дўстларимиз спектаклларининг ўзига хос жиҳатлари, ўз ролларини мароқ билан ўйнаган артистлар, бутун истеъдодий театрга бағишлаб, асарларни саҳналаштирган режиссёрлар, спектакларга ҳуси ато этган рассомлар иши тўғрисида кўп ёзишимиз мумкин. Аммо уларга ўзимизнинг ижобий муносабатимизни билдирган ҳолда, бир асар — «Бизлар фариштa эмасмиз» ҳақида тўхталмоқчимиз.

Томчида қуёш акс этгандай, бу спектаклнинг ўзидаёқ қозоқ санъаткор дўстларимизнинг маҳорати, энг қийин жанрда эришган ютуқлари, тўғри ижодий йўлдан бориб, бадиий чўққилар сари кетаётганлиги кўриниб турибди.

Спектаклда ҳозирги кунинг, қайта қуриш даврининг муҳим масаласи — виждон ва қилмиш, улар ўртасидаги жиддий кураш кўтарилади. Асар номидан ҳам маълумки, инсонлар фариштa эмас.

Ҳар бир киши ўз ҳаётида, фаолиятида хато қилмаслиги ёки камчиликларга йўл қўймаслиги мумкин эмас. Ҳа, хатолар турлича бўлади, баъзан билмаган ҳолда, кўрмасдан киши ўрага тушиб кетиши мумкин ёки катта кўча деб, боши берк кўчага кириб қолади. Шундай ҳам бўладики, бугун тўғри деб қилган йшимиз эртага тескари чиқиб қолади. Инсон ўз турмушида нималарни кўрмайди, дейсиз?! Шундай вазиятлар ҳам бўлиб қоладики, билиб туриб, ўзингизни ўтга отишга мажбур бўласиз. Ўзингизга бутунлай боғлиқ бўлмаган объектив шароитлар ҳам юз берадики, шулар билан муроса қилишдан, оқим билан бирга кетишдан бошқа иложингиз қолмайди. Ҳамма гап шундаки билиб ёки билмасдан хато қилиб қўйсангиз, уни тездан пайқаб, тушуниб, ундан ҳоли бўла олсангиз, ўзингизга тўғри сабоқ чиқара олсангиз — ҳаётнинг катта йўлига тушиб оласиз, «Бизлар фариштa эмасмиз» спектаклида худди шу масала устида гап кетади.

Ҳозирги кунларда олим бўлиб етишган, садоқатли эр, ҳурматли ота, яъни асар бош қаҳрамони Назар Сарсенов (СССР халқ артисти И. Нўғайбаев) ўтмишда жуда катта, кечирилмас жиноий иш қилиб қўйган. У ҳам бўлса Давлат хавфсизлик министрлигида капитан унвонига эга бўлиб, шахсга сиғиниш даврида, яъни 1937-38 йилларда кўп одамларнинг ёстиғини қуритишда, оилаларига фожиа олиб киришда, халқ оммаси бошига қайғу-алам солишда фаол роль ўйнаган органнинг масъул ходимларидан биридир. Сарсеновнинг қалбида икки фикр узоқ вақт давом этади, у икки ўтнинг ўртасида қолади. Бири айбингни ошкора очиб ташлаб, ўзингни шарманда қилма деса, иккинчисига эса оғир маънавий юкни қалбингдан ағдариб ташла, деб даъват этарди. Нобуд қилинган ҳалол кишилар қиёфаси унга тинчлик бермай, виждонини эзарди, соғлигини кемирарди. Бунинг устига ҳақиқатни билган кишиларнинг таъналари бағрига ханжардай ботарди. Бориб-бориб қаҳрамоннинг виждони устун чиқиб, ҳақиқатни эътироф этишга мажбур этади, лекин унинг қора қилмишлари ўзига ҳам қимматга тушади, соғлигини узил-кесил кемиради.

Автор Н. Сарсеновни ўтакетган жаллод, бағритош, шафқатсиз, инсофсиз шахс сифатидагина кўрсатмай, унда ҳақгўйлик учқуни ҳам борлигини ифода этадики, бу нарса алангаланиб боради. Қаҳрамон онгидаги эволюцияни автор ҳам, бу ролни ижро этган истеъдодли санъаткор ҳам ишонарли талқин қилиб бера олган. Сарсеновнинг характерини очиш учун муаллиф ҳам, асарни саҳнага қўйган режиссёр ҳам пок инсон, чин ватанпарвар, ҳаққоний ходим Жекен Сабирбоев (Қозоғистон ССРда хизмат кўрсатган артист А. Боранбаев) оиласи фаолиятинй асос қилиб оладилар. Сабирбоев ҳам, унинг хотини Шарипа (Қозоғистон ССРда хизмат кўрсатган артист Б. Жангалиева) ҳам, уларнинг фарзанди Марат (Ж. Каирлиев) ҳам шахсга сиғиниш даврининг фожиали қурбони бўлишлари жараёнини шундай дақшатли воқеалар заминида ифода этиб бераётганлари, уларни кўрган томошабинлар қаттиқ ҳаяжонга тушмасликлари мумкин эмас. Спектаклнинг асосий йўналиши ҳам 1937 йилдаги қонунбузишлар , қандай шафқатсиз оқибатларга олиб келганлигини чуқур очишдан иборат.

Ҳа, халқ бошига оғир кулфат тушганда ҳар ким ўзини турлича тутди, деган хулоса бадиий тўлақонли образлар орқали ишонарли ёритиб берилади. Сабирбоев ва унинг хотини бошларига не кулфатлар, азоб-уқубатлар тушса ҳам ўз эътиқодларига содиқ бўлиб қоладилар. Сарсенов характеридаги ожизлик, эҳтиётсизлик меҳнаткашларга катта зарар келтиради. Гарчи унда ҳалол кишиларга ачиниш аломати сезилсада, хизматига ўта содиқлик ҳақиқатни рўёбга чиқаришга йўл қўймасди. Есен (Қозоғистон ССР халқ артисти С. Оразбаев) каби давлат хавфсизлигидаги полковник эса ўша қора кунларнинг қули, хато буйруқларни кўр-кўрона бажарадиган бир механизмга айланиб қолган кимса сифатида талқин қилинган.

Спектаклдан чиқариладиган, ҳозирги кун учун зарур хулоса шундан иборатки, ҳар ким ўз қадамини билиб босиши, қинғир йўлга кириб қолмаслиги учун курашиши, ўз виждони ва эътиқоди билан иш тутиши зарур. Бошқача айтсак, кимки жиноятга қўл урса, бир умр руҳий азобга тушиб қолиши муқаррар.

Асарни жонлантиришда, қаҳрамонлар образларини яққол, бўрттириб ижро этишда талантли артистлар И. Нўғайбаев, Ф. Шарипова, А. Баранбаев, Б. Жангалиеваларнинг хизматлари катта. Уларнинг ютуғи шундаки, ҳар бирларй ўз қаҳрамонининг моҳиятини чуқур тушуниб ўйнаганлар, айниқса, руҳий оламларини очиб беришда истеъдодларини яққол намоён этганлар.

Муваффақиятли спектакль биринчи галда режиссёр, СССР халқ артисти О. Мембетовнинг катта йжодий меҳнати самарасидир. Шу билан бирга кичик эътиборизмизни ҳам айтиб ўтмоқчимиз. Натуралистик моментлар (қамалганларга азоб бериш, қийнашлар) меъёридан ошиб кетганга ўхшайди.

Учрашувлар, театрнинг драма ва комедиялари бизга кўп янгиликларни келтирди, томошабинларга эстетик завқ бағишлади. Ижодий сафарлар ва бошқа маданий тадбирларнинг ҳаммаси дўстлик ва қардошликнинг, ўзаро алоқа ва ҳамкорлик қудрати таъсирининг ёрқин намунаси сифатида қўримоқда. Булар ҳаётимизнинг даъвати, жамиятимизнинг қонунидир. Шу сабабдан ҳам севимли шоиримиз Ғафур Ғулом тили билан қуйидагиларни айтмоқчимиз:

«Қариндошим, туғишқоним,
Улкан қозоқ, омон бўл,
Тиниқликда осмон бўлу,
Доимликда жаҳон бўл».

Ҳафиз АБДУСАМАТОВ,
филология фанлари доктори.

Суратда: (чапдан) театр труппасининг мудири М. Айнабеков, СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти лауреати Ф. Шарипова, актёрлардан Т. Аралбоев ва Н. Унарбаев.

М. НАЗАРОВ суратн.

КАТТА МУВАФФАҚИЯТ

ЎЗБЕК САНЪАТКОРЛАРИНИНГ НЕПАЛДАГИ КОНЦЕРТИ

КАТМАНДУ. 24 май. (ТАСС). Непал пойтахтидаги энг катта залда Бобомурод Ҳамдамов раҳбарлигидаги халқ қўшиқларини ижро этадиган Тошкент ансамблининг концерти бўлди. Агар концерт катта муваффақият билан ўтди десак жўн, сийқаси чиққан гапни айтган бўламиз, чунки, концерт вақтида қарсаклардан ва эҳтиросларнинг зўридан бинолар ларзага келгандек бўлди.

Бошқа гастроллар тажрибаси шундан далолат бериб турибдики, непаллик томошабиннинг завқини қўзғаш анча мушкул. Агар непалликлар ўзларига намойиш этилаётган санъатни тушунишмаса, улар ҳатто хушмуомалалик учун бўлса-да, артистларни қўллаб-қувватлашга ҳам урниб ўтиришмайди. Анъана ана шундай. Баъзан шу нарса алам қиладики, олисдан келган машҳур созандалар, ашулачилар ва раққосалар обдон ҳаракат қилишса ҳам, лекин зал аҳли бепарво бўлиб тураверади. Нима ҳам қилиб бўларди, дейсиз, чунки непалликларнинг ҳис-туйғуси самимий ҳиё туйғудир.

Ўрта Осиё халқларининг қўшиқларини ижро этган ўзбекистонлик ансамбль дарҳол томошабин билан умумий тил топа билди. Бу тушунарлидир, албатта. Кўп куйлар Непал қўшиқларини эслатади, музика асбобларининг садоси ҳам бир-бирига жуда ўхшаш.

Непалга келишдан илгари труппа Ҳиндистондаги бир қанча шаҳарларда бўлган эди. «Ҳиндистон санъатимиз олдида лол қолди», деган эди ўшанда Ҳиндистондаги гастролларни лўнда ифодалаб Дилором Шукуржонова. У Непалдаги гастроллар ҳақида ҳам тўла асос билан худди ана шу фикрни айтса арзийди.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

МОТОҲАВАСКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!
«ЗЕНИТ-7» ФИРМАЛИ ТЕХНИКА-САВДО МАРКАЗИДА
26—27 май кунлари
«ИЖМАШ» ЗАВОДИ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ КУНЛАРИ ЎТКАЗИЛАДИ

Ана шу кунларда Сиз завод вакиллари билан учрашасиз, «ИЖ» маркали мотоцикллардан фойдаланишга доир малакали маслаҳат олишингиз мумкин.

27 май соат 15.00 да

ХАРИДОРЛАР КОНФЕРЕНЦИЯСИ ЎТКАЗИЛАДИ

Ҳозирги вақтда магазин савдосида қуйидаги модификациялардаги мотоцикллар мавжуд: Планета-5, Планета-5К, Юпитер-5, Юпитер-5К, шунингдек ён прицеп ва эҳтиёт қисмлар.

Магазин соат 10 дан 19.00 гача ишлайди, танаффус соат 14 дан 15 гача, дам олиш куни — душанба.

Адрес: Тошкент шаҳри, Ленин райони, Чехов кўчаси, 10-уй (метронинг «Ойбек» станцияси).

Телефон — 54-04-92.

«Зенит-7» фирмали техника-савдо маркази.

«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг
ОНКОЛОГИЯ ВА РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
СССР Медицина фанлари академиясининг Бутуниттифоқ онкология илмий маркази (Москва шаҳри)да ўқиш билан бирга «онкология» ихтисоси бўйича
МАҚСАДЛИ АСПИРАНТУРАГА
ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ҳужжатларни топшириш муддати — 17 июнгача.

Ҳужжатлар аспирантурага қабул ҳақидаги Низомга мувофиқ қуйидаги адресга жўнатилсин: 700095, Тошкент шаҳри, Форобий кўчаси, 383-уй.

●

Корхоналар, колхозлар, совхозлар ва ёрдамчи хўжаликларнинг раҳбарлари
ДИҚҚАТИГА!
«БАЛИҚЧИ» БИРЛАШМАСИ
май-июнь ойлари мобайнида карп, сазан балиқларининг **личинкалари, майда балиқчаларини**
СОТАДИ

Харид қилишни хоҳловчилардан қуйидаги адресга мурожаат қилишларини сўраймиз: 702712, Тошкент области, Ғалаба райони, Қўрғончи қишлоғи.

●

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг
РЕСПУБЛИКА ЭЛЕКТРОТЕХНИКА МЕДИЦИНА ТЕХНИКУМИ
29 май соат 10 дан 14.00 гача
ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИНИ ЎТКАЗАДИ

Техникум адреси: 700107, Тошкент шаҳри, Чилонзор райони, Нурхон кўчаси, 16-уй (20, 34, 54, 70, 80-автобуслар; 7, 16, 19-троллейбусларнинг «Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг 1-клиника касалхонаси» бекати).

●

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги
НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА
60-ТЕАТР МАВСУМИНИНГ ЁПИЛИШИ
РЕПЕРТУАР ПЛАНИ

1 июнда — ЧИПОЛЛИНО (12.00), ИОЛАНТА (19.00).
2 июнда — ТЎМАРИС.
3 июнда — КАРМЕН.
4 июнда — БОҒЧАСАРОЙ ФОНТАНИ.
6 июнда — ЧИО-ЧИО-САН.
7 июнда — СЕВГИ АФСОНАСИ.
8 июнда — СЕВИЛЬЯ САРТАРОШИ.
9 июнда — СЕВГИГА СЕВГИ БИЛАН.
10 июнда — ҚУЁШГА ТАЪЗИМ ҚИЛ.
11 июнда — КОНЦЕРТ.

Билетлар театр кассасида соат 10 дан 19.30 гача сотилади, танаффус — соат 14 дан 15.00 гача.

Справкалар учун телефон — 33-90-81.

«ЎЗБЕКТЕКСТИЛЬМАШ» БИРЛАШМАСИ
калавалар, иплар ва ярим-фабрикатларнинг сифатини «ЦЕЛЬВЕГАР УСТЕР» (Швецария) фирмасининг «УСТЕР» лаборатория қурилмасида аниқлаб бериш юзасидан
ХИЗМАТ КЎРСАТАДИ

Справкалар юзасидан қуйидаги адресларга мурожаат қилинсин: 700100, Тошкент шаҳри, Ш. Руставели кўчаси, 53 «б» уй, ТСКВТМ.

Телефонлар: 53-31-44, 54-98-19, 53-93-64.

●

«ЎЗБЕККОНЦЕРТ»
В. И. Ленин номидаги СССР Халқлар дўстлиги саройида
31 май, 1-2 июнь соат 20.00 да
КУЛГИ КЕЧАСИ
ҚАТНАШАДИЛАР:

Тўртинчи қизиқчи ва аскиячилар республика кўрик конкурси ва «ҚИЗИҚЧИ-89» конкурсининг лауреатлари:
Мирза ХОЛМЕДОВ, Ботир МУҲАМЕДХЎЖАЕВ, Обид АСОМОВ, Абдулла АКБАРОВ;
«ҚИЗИҚЧИ-89» конкурсининг лауреатлари: Толиб ҲОЖИЕВ, Олим ЮНУСОВ, Туйғун САЪДУЛЛАЕВ, Бахтиёр ИУЛДОШЕВ;
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист
Зиёда МАДРАҲИМОВА
лирик хонанда
Мавлуда ТУРДИЕВА
ПРОГРАММАни бадиий сўз устаси, тўртинчи қизиқчи ва аскиячилар республика конкурсининг лауреати Тўхтамурод АЗИЗОВ олиб боради.
ПОСТАНОВКАЧИ РЕЖИССЁР — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати Абдурашид РАҲИМОВ.

Билетлар соат 14.00 дан сотилади.

●

ДИҚҚАТ!
СССР ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА
27 ва 28 майга белгиланган
КОНЦЕРТДА
Насиба АБДУЛЛАЕВАнинг бетобликги сабабли ўнинг ўрнига
Бутуниттифоқ ёш вокалистлар конкурсининг лауреати
Юлдуз УСМОНОВА ҚАТНАШАДИ

Сотиб олинган билетлар ўз кучини сақлайди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институти маъмурияти, партия ва касаба союз ташкилотлари институт илмий ходими Р. Абдуллаевага отаси

Абдолниёз АБДУЛЛАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент политехника институти ректорати, партия ва касаба союз ташкилотлари, «Композиция ва полимер материаллари» бўлими коллективи лаборатория мудири А. В. Жума, боевга отаси

Баниш ЖУМАБОЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент область сил касаллигига қарши курашиш диспансери коллективи бош врач Т. Еқуббековга отаси

Юнусбек ЕҚУББЕКОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

СПОРТ

ВЕЛОПОЙГА:

ЖАҲОН РЕКОРДИ

● **Москвада ўтказилган Бутуниттифоқ мусобақасида юқорн натижалар қайд этилди. Трекда 200 метрли масофани 12, 331 секундда босиб ўтган тошкентлик О. Чеботарева жаҳон рекорди ўрнатди.**

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА:

ЮКСАК НАТИЖА

● **Одессада СССР Қуролли Кучларн бирнчилигн учун ўтказилган мусобақада Киев енгил атлетикачиларн команда ҳисобида биринчи ўринни эгаллашди. Тошкентлик В. Парфенов найза улоқтиришда 74 метр 22 сантиметрли маррани эгаллаб, ғалаба қозонди.**

САМБО:

ФАХРЛИ ЎРИН

● **Лондонда ўтказилган Европа чемпионатида совет полвонларн муваффақиятли белашишди. Улар 9 та олтин медалга эга бўлишди. Мусобақада иштирок этган тошкентлик Эркин Холиқов голиблик супасининг учинчи поғонасига кўтарилиб бронза медалини қўлга киритди.**

ДЗЮДО:

ҒОЛИБЛАР САФИДА

● **Литвада қизлар ўртасида ўтказилган Бутуниттифоқ турнирида Москва, Украина, Белоруссия, РСФСР, Грузия ва Латвиядан тўпланган спортчилар ўзаро куч синашдилар. Мусобақада республикамиз спорт шарафини чиройлик дзюдочилар ҳимоя қилишди. Улардан О. Хомутская, О. Корнякова, З. Абибуллаевалар голиблар сафидан жой олишди.**

ГИМНАСТИКА:

ТОШКЕНТЛИКЛАР ҒАЛАБАСИ

● **Нукусда бадиий гимнастика бўйича Ўзбекистон очиқ чемпионати ўтказилди. Ўзига хос нафосат баҳсида Свердловск, Запорожье, Сочи ва Кемероводан келган спортчилар ҳам иштирок этишди. Тошкентлик О. Абдураҳмонова биринчи ўринни эгаллади. Навоийлик Е. Жукова кумуш, Бухоролик А. Бобожонова бронза медалларини олишди. Команда ҳисобида тошкентлик гимнастикачилар зафар қучдилар.**

Диққат: тажриба

КАШАНДАЛАРГА ҚАРШИ КОРХОНА

Кишиларга эътибор бор жойда иш унуми ҳам яхши бўлади. Буни Андижондаги «Коммунар» заводи коллективининг иш тажрибасида кўриш мумкин.

Корхонада хўжалик ҳисобига ўтилгач, меҳнат самарадорлигини оширишнинг ҳатто жузъий туюлган омилларига ҳам эътибор қучайди. Кейинги бир йил ичида завод маъмурий корпусининг бўш хоналари қайта жиҳозланиб, почта бўлими, омонат касса, сартарошхона, озиқ-овқат магазини, кийим тикиш, радио ва телевизор тузатиш устахоналари, «сауна» типидаги ҳаммом ташкил этилди. Хизматнинг айрим турлари бўйича буюртмалар бевосита цехларда қабул қилиняпти. Бу ишчи ва хизматчиларга қимматли вақтни тежаш, буюртмаларни сифатли тайёрлатиш имконини бермоқда.

Завод қошида ташкил этилган спорт-соғломлаштириш комплекси ҳам коллектив аъзолари саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнамоқда. Комплексда беморларнинг даволаниши учун яхши шароит яратилган. Бу ерда шифобахш балчиқ, парафин, кислородли коктейль билан даволайдиган хоналар ва массаж кабинети мавжуд. Комплексда даволанаётган кишиларга ишдан бир соат илгари жавоб бериладн. Ғамхўрлик туфайли ўтган йили ишчи ва хизматчиларнинг касалланиш даражаси сезиларли камайди.

Кашандалик ҳам меҳнат самарадорлигига сезиларли таъсир кўрсатар экан. Заводда унга қарши кураш бошланди. Чекмайдиган кишиларнинг ўн учинчи маошига 10 процент, чекишни олти ой мобайнида ташлаган кишига 20 процент қўшимча ҳақ берилади. Агар кимдир рухсат этилмаган жойда чекса 20 сўм жарима тўлайди.

Яна бир янгилик. Бир йил давомида интизомни бузмай, сифатли иш бажарган илғор ишчиларга мамлакатимиз бўйлаб туристик йўлланмалар бепул берилади. Касаллик варақаси олмаган кишиларнинг 13-маошига 30 процент қўшимча тўланади. Бу ҳар бир кишини ўз соғлиги ҳақида кўпроқ қайғуришга даъват этмоқда. Шунингдек, завод касаба союз ташкилотининг қарорига мувофиқ 12 ёшгача болали аёлларга сменадан бир соат илгари жавоб берилмоқда. Уларнинг иш ҳақи эса тўла сақлаб қолинмоқда. Бундай аёллар заводда 50 нафарни ташкил этади.

— Сменадан бир соат илгари жавоб бериш ишнинг пировард натижасига салбий таъсир этмаяптими? — сўрадик завод касаба союз комитетининг раиси А. Андроновдан.

— Аксинча, — жавоб берди у. — Ўтган йили завод тарихида энг кўп — 3 миллион 124 минг сўм фойда олинди. Коллектив аъзоларига яратилган қулайлик корхонага фойда келтирмоқда.

К. НИШОНОВ.

ХОТИРА

ҚАРОВСИЗ ҚАБРИСТОНЛАР, НОМСИЗ КЎЧАЛАР

Оҳангарон районидаги Будённий номли совхозга қарашли Шодмонлик ота (Шоабдумалик ота) қабристонини обод этиш, тартибга солиш ишлари на қишлоқ аҳли ва на совхоз активларини қизиқтиради. Худди шундай ҳолни Бўка ва Паркент районларининг айрим қишлоқларидаги қабристонларда ҳам кузатиш мумкин.

Ўрта Чирчиқ районидаги Ангор қишлоқ Советига қарашли А. Икромов номли ва «Коммунизм» колхози қабристонларига дарвоза қурилиб, мозор атрофи ўралди. «Коммунизм» колхози территориясида тўртта қабристон бор. Ўрта овул участкасидаги қабристон тартибга келтирилган. Лекин колхоздаги энг катта қабристон — Юқори овул участкасидаги номсиз қабристон эса ташландиқлигича ётибди.

Қишлоқ Совети раиси Ўртоқ А. Исаевга шундай саволимиз бор: Юқори овул участкасидаги қабристонларни тозалаш, чор атрофини ўраш, уни кўкаламзорлаштириш, йўлкалар қуриш ва қабрларни номерлаш ишлари билан қачон, ким шуғулланади?!

Яна шуни айтиш керакки, қабристонлар мол боқиладиган яйлов хизматини ҳам ўтамоқда. Бунга барҳам бериш, колхоз территориясида яйлов учун ер ажратиш лозим.

Қишлоқ Советига қарашли ҳар иккала колхоз территориясида ҳам жуда кўп кўчалар мавжуд бўлиб, уларнинг бирортаси ҳам номланмаган. (А. Икромов номли колхоздаги Т. Алиматов номли кўча бундан мустасно). Яна бир мулоҳаза. «Коммунизм» колхозида эски ва янги ферма, Юқори овул, Ўрта овул, Изза овул, Қатор овул, Турк овул каби номлар мавжуд. А. Икромов номли колхозда эса Маша овул, Уйшин, Қозоқ овул, Бой овул, Тўққуз овул деган номлар бор. Тўғри А. Икромов номли колхоздаги Маша, Уйшин, Қозоқ овуллар шу ерда яшаб ўтган ўзбек ва қозоқ уруғларининг этник номи билан аталиб кетган топонимлардир. Эҳтимол, буларни ўзгартириш шарт эмасдир. Лекин, қолганлари-чи? Уларни номлаш вақти аллақачонлар етган.

Қишлоқ Совети раҳбарларининг фикрига қараганда, қишлоқларнинг номлари область картасига кирган ва қишлоқ Совети буни ўзгартира олмасмиш. Агар шундай бўлса, область ижроия комитетидаги масъул ўртоқлар мазкур масала хусусида бироз бош қотириб кўрсалар ёмон бўлмасди.

Шунингдек, қишлоқлардаги қабристонларни ҳам номлаш лозим. Қабристонларни ободонлаштириш юзасидан қишлоқ аҳли шундай таклиф, мулоҳазалар билдиришмоқда: одамлардан масжидга тушадиган пулни шу қишлоқ қабристони ихтиёрида ҳисоб карточкаси очиб, унга ўтказиш ва тушган маблағ ҳисобига қабристон қоровулига ва айрим хизматчиларга ҳақ тўлаш ва бу билан уларни қабристонни ободонлаштириш ишларига жалб этиш мумкин.

Т. АҲМЕДОВА,
этнограф.

Редакцияга Балиқчи район Совети ижроия комитети ходими М. Каримов шундай деб ёзади:

— «... Ўрмонбек қишлоғи қабристонида ҳамқишлоқларимиз Улуғ Ватан уруши қатнашчилари Набижон Маматқулов ва Каримберди Исмонов хотирасини эсга олдилар. Собиқ жангчиларнинг қуролдош дўстлари, ҳамқишлоқлари, ҳамкасбларидан У. Мамажонов, Д. Мамажонов, М. Турғунов, Н. Акбаров ўртоқлар сўз олиб, марҳумлар ҳақидаги эсдаликларидан сўзлаб бердилар...».

— Матёқуб Ёвбосаров районимизнинг фахрли кишиларидан бири эди. У 1934 йилдан 1937 йилгача қишлоқ Советининг раиси бўлиб ишлади. Ички душманга қарши курашда фаоллик кўрсатди. У 1937 йил Сталин репрессиясидан четда қолмади...

Ҳар куни неча ўнлаб қишлоқлар, посёлкалар бунёд этилмоқда. Буларга эл-юрт учун жонини фидо этган Матёқуб акага ўхшаган ватандошларимизнинг номлари берилса яхши бўларди».

Бу парчани Боғот район Жданов номли колхозда яшовчи биринчи группа инвалиди Йўлдош Собировнинг хатидан келтирдик.

«— 3 «б» синф пионер отрядига мактаб дружина Советининг қарори билан Деҳқонбой Тўхтаматов номи берилди, — деб ёзади Киров районидаги А. Набиев номли 17-мактаб тарбиявий ишлар бўйича директор Ўринбосари М. Ғаниева. — Автор газетхонларни Тўхтаматов билан таништиради: у А. Набиевнинг сафдоши эди, Киров районида комсомол группаларини тузди ва унга бошчилик қилди. Колхоз тузилишида актив иштирок этди. У каби комсомолларнинг ташаббуси билан Бешовул, Совуртепа, Шунқор қишлоқларида «Серҳаракат», «Жавоб», Энгельс номли колхозлар тузилган. У ҳақиқий коммунист, моҳир педагог эди.

Редакцияга келган бошқа хат-хабарларда ҳам инсон хотираси муносиб эсланади.

Муҳаррир У. УСМОНОВ.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-18, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р. — 11794. Б. — 123. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12